

**МУНАВВАРА ТИЛЛАБОЕВА**

# **Ой түлган кечада**

***БАДИАЛАР***

**Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2006**

84(57)6-4 Бадиий 2426467  
Бадиевлар


Шоира ва адабиа Мунаввара Тиллабосева низ китоблари ада-  
биёт музалислари томонидан ишқ қутуб олиниади. Муаллиф-  
ишиг «Ой тўлган кечада» тўпламида унинг эсдаликлари, хо-  
тиралари жамлангани. Устозларга эҳтиром, ота-она олдида  
бурчдорлик, шогирдлар камолотидан қувониш, келажаккка  
ишонч — бу ва бошқа түшгуллар мазкур тўпламишинг мундари-  
жасини ташкил этади.

Маёъул муҳаррир:

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Халқ шоири

10 32036  
091



ISBN 5-633-01836-2

© Мунаввара Тиллабосева. «Ой тўлган кечада».

«Янги аср авлоди», 2006 йил

## БОЛАЛИК ТОНГИ

Эй, болалигимнинг беғубор тонглари, қаердасиз? Сизни жуда соғиндим. Сизнинг баҳорингиз ва ёзингиз жуда ҳам бошқача эди-да. Уни қўмсамай бўладими. Ҳу ариқда чархпалак ясаб, оқизганим олма ёдимда. Дугоналарим билан турли латталардан ясаган қўрирчоқларим... «Уларга онамдан ўрганиб айтган ажлаларим... Эҳе, ҳаммаси бир зумда ўтиб кетган-дай. Ҳаёт қонуни ғалати экан. Бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Менинг болалик қўшиқларим қайси гул япроқларига айтилди экан. Гоҳида сизларни ўйлашдек сонияларга вақтим етмайди. Тобора узоқлашиб боряпман. Менинг болалигим – болаларим ва уларнинг умр ришиналарида давом этяпти. Минг бора шукр.

Ҳар тонгда отам ва онамнинг мунис чехрасини кўрар эдим. Эркалагим уларга сифар эди. Гоҳида инжиқлигим ва нозиклигимни улар қутарар эди. Энди бўлса кимгадир эркалик қилгим келади. Аммо...

Күшларнинг чуғур-чуғури, булбул нолалари қалб мулкимга мангумуҳрланган. Уларни ўйлашдек баҳтдан жудо қилмасин.

Ёз кечаларида ойнадай тиниқ осмонда милтиллаган юлдузларга боқиб ҳайрон бўлар, ҳайратимнинг чески йўқ эди. Чигирткаларнинг тунги нағмалари юрагимнинг алланечук жойларини элитар эди.

Эрта тонгда табиат нақадар сўлим ва оромижон бўлар, олислардан эшитилган булбул нолалари ҳаётта ташна қалбларни руҳлантириб, юксак парвозларга чорлар эди.

Ҳаёт... Нақадар гўзал ва ширинсан! Барча баҳтли инсонлар қатори мен ҳам ҳаётдан муносиб улушимни олдим. Аллоҳим тўрт фарзанд ато этди. Улар дунёларга алишиб бўлмайдиган бойлигимдир. Берганига шукр. Шу билан бирга ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Ўқидим, билим олдим.

Ўзимда жамланган билимларни халқимизнинг жондан азиз фарзандлари онгига сингдирдим.

Ҳа, дарвоҳе. Менинг ҳам бошқа оналар қатори фарзандларимни элга қўшиш осон бўлмади. Уларни йўргакдан бошлаб борча ёшига қадар тарбиялашда онажоним кўмакдош бўлди.

Эҳ, онам-а, онам-а!

Чиндан-да, онам меҳнатининг чеки йўқ, экан. Болам бемор бўлса шифохонада бирга ётади. Ипдан келгунимга қадар агар болам узокроқ ухлаб қолса уйротиб олар экан. Бундай баҳтдан отажоним бенасиб бўлди. Отам деганда оғзим тўлган отам-а... Сизнинг гўзал чехрангиз кўз олдимда. Менинг меҳрибоним отажоним. Хуш суратингиз қалбим тўрисида.

Апрел ва май ойларида очиладиган бинафшани жуда севаман. У ҳар йили очилганда беғубор болалигимнинг лаҳзалари ни ёдимга солади. Шу пайтларда бутун вужудим беғуборлик ҳиссияти билан чулғанади.

Охирги қўнғироқ куни мактаб ҳоялиси ва коридорлари бинафша ва атиргул ифорига тўлиб кетади. Бу гўзаллик ва зазгулик рамзиdir.

Мактаб йиллари ҳам жуда олислаб бормоқда. Энди болалик қўшиқтарини тинглагандар, кўзларда ёш қалқийдиган бўлиб қолди.

Олислардан қўнғироқдек товуш келмоқда. Унга қулоқ солайлиг-а, азиз ўқувчим...

## ХАЁТ

Мен сени севаман, мунаввар ҳаёт!

Дунёда сендан-да, қимматлироқ, сендан-да, мұйтабарроқ нарса йўқдир.

Баҳор ва куз фаслида олис далалардан эшитилаётган тракторларнинг гурилаган товушлари ҳам нақадар жонга тутап. Улар инсонлар қалбидан қандайдир ўзи ҳам тупуниб етмайдиган ҳаётта тағиалик туйғуларини уйғотади. Чунки улар қуриш ва яратиш билан банддирлар.

Сочларимни ўйнаб, юзларимни силаган тоңг насимини айтмайсанми. Улар гулларнинг атрини ҳар томонга сочадилар. Азим дараҳтлар бағрида эркаланиб ўйнайдилар, уларнинг күксига енгизлик олиб кирадилар.

Баъзан хавотирга тупиб қоламан. Нега дейсанми? Бойликка сира-сира тўймаётган одамларни кўриб, эшитиб қоламан. Ёмон одамларнинг қилмишлари қулогимга чалиниб қолади. Ҳа, яна бир нарсани айтайн. «Зангори экран» орқали жуда ваҳимали киноларни бериш урф бўлиб кетди. Уларни андак кўриб қолсам, наҳотки бу кўхна олам шундай ёмонликлар билан тўлиб-тошган бўлса. Агар дунё ҳақиқатан мана шундай ярамас одамлар комида қолтан бўлса, денгизлар ҳайқириб, қадимий музликлар эриб, дунёни сув босиб кетса керак дейман. Ҳай-ҳай Аллоҳ ўзи асрасин. Ҳали инсоният қалбидан меҳр-муҳаббат, яхшилик, эзгулик деган тушунчалар барқарордир.

Ўзимизнинг ҳалиги «Мафтунингман», «Маҳаллада дув-дув гап», яна ҳиндларнинг Радж Капур ўйнаган «Дайди», «Жаноб-420» каби киноларини мириқиб томоша қиласман. Нега десанг, кинолардан мен муҳаббат сурурини уқаман, уқиб билим олип, яхши ҳаёт сари интилиш, табиат тасвири, миллий анъаналар яхши ифодаланган. Ижро этилган куй ва қўшиқлар сехрида қоламан.

Гиёҳларни яхши кўраман. Чунки улар ҳаётимнинг бир зарраси. Уларни сира юлиб ташлагим келмайди. Одамлар мендан куладилар.

Мана шунаقا, Ҳаётжон. Сени қанчалар яхши кўришпимни билдингми?

## «УЛУГНОР» ЧҮЛЛАРИДАГИ ЎЙЛАР

Асрий құмликлар... Бу ерлар аввал нима бўлган экан? Денгиз ё дарё. Ёки төр ва адир. Ҳар сафар бу ерга келганимда бундай жумбоқлар мени кўп ўйлантиради.

Кум тепаликлари... Катта қум майдонини иккига ажратиб турувчи текис ва равон асфалт йўл. Йўлнинг бир томонида сокин оқувчи мўъжазгина ариқ. Йўлнинг ҳар иккала чеккасига турли дараҳтлар экилган. Бундан ўн ийллар бурун чўл бағрини яшнатиб, одамларга ҳузур-халоват берган бу дараҳтларнинг жуда ҳам кўпи кесилган. Уларнинг ўрни эса одамларни умидсизликка етаклагандай ҳувиллаб ётибди. Кум тепаликлирида ўсган юлгинлар ҳам баҳорда яшинаб янгиланади.

Уларнинг ҳам ўзига яраша жозидаси ва хусни бор. Буни сезиш керак холос.

Ҳамроҳларим қаламкаш дўстларим — Одилжон Олимов, Усмонжон Шукуров, Фарид Усмонларнинг беғубор, самимий бир-бирига ҳазиллари, суҳбат давомида ўзининг мулоҳазали фикрлари билан қўшилиб, ҳар учала ижодкорнинг қадрдан дўстига айланган умр йўлдошим Шоҳиджон Охунжоновлардир. Шоҳиджон ака шоир дўстларим билан жуда кўп ижодий сафарларда бўлган. У киши ўзининг ниҳоятда машинани юмшоқ ва енгил ҳайдани, ички ва ташқи маданияти, айтилган жойга вақтида ётиб келиши билан ардоқлидир.

Яйдоқ чўл бағрида кетяпмиз. Онда-сонда қовун-тарвуз экувчи дехқонларнинг чайлалари кўриниб қолар, ариқ бўйларига экилган жийдаларнинг бошқа гуллардан ажралиб турувчи хунибўй, нафис ҳиди димоққа уриларди. Бундан сархуш бўлган дилларнинг сукунатини Одилжоннинг болаларча эркалик ва ишўхлик билан қилган ҳазиллари бузиб юборарди.

Мунаввархон: «Меҳнаткаш халқим деб шаҳар ичидаги куйинавергунча мана буларни кўринг, буларни ёзинг», деб чайла ва вагон уйларни кўрсатиб қоладилар Одилжон.

Дарҳақиқат, бу вагон уйларда пахта, шоли, қовун-тарвуз, кўйингки, халқнинг ризқ-рўзи, бойлигини яратувчи матин иродалар яшайди. Уларнинг матонатига, меҳнатига, ҳалоллигига ҳамиша таъзим қилгумдир. Негаки, эркакларни кўйинг, жонлари қирқта эмас, мингтадан қилиб яратилган опа-сингилларимиз, қизларимиз ҳаётда нима зарурат бўлса, бошлиридан кечириб яшайдилар. Нега уларни севмайин, нега уларни ёзмайин. Уларнинг қаро кўзлари, сунбул соchlари таърифимдадир.

Уларни севиб туриб ёзаман. Қишлоқ аёлларига хос соддалик-ларини айтмайсизми? Чўлларда ўз қўллари билан жанинат ярататётган бу аёлларга таъзим қилгинг келади.

Бир сафарги сафаримиз 8 март арафасида бўлғанжиги учун ва бир шоир укамизнинг илк тўплами нашр қилиниши муносабати ила юз берди. Дастурхонда ортиқча ноз-неъматдан кўра меҳр ва самимийлик кўпроқ эди. Қадаҳ кўтариш борасида Усмонжон анча вазмин. Одилжон нима деса: «Катталар билади», — деб тураверади. Бу орадаги бир ёки икки ёш ўртасидаги фарққа нисбатан айтилишими, ёки ҳурмат юзасиданми билмадим. Шу билан бирга Одилжоннинг ҳар қанча эркалигини кўтараверади. Дўстларнинг бу шўхликлари болаларча бегубор ва самимийdir. Чунки уларнинг қалбида яхшилик ва ҳазурик уруулари бор. Улар ноҳақлик, адолатсизлик, манманси-рашлик, худбинлик каби иллатлар билан чақинша олмайдилар.

Олистан тракторнинг айни баҳор мавсумида инсонни ҳаётга чорловчи ғаллати бир сеҳргар овози эшитилар, унга жўр бўлган тол ва теракларнинг майин новдалари шабадада енгил-енгил тебраниб кўярди. Сув баҳона челяк кўтарган қизларнинг шўхшодон кулгилари чўлнинг кенгликлари ичра сингиб кетарди.

Мен ҳам суҳбатдошларимнинг мулоҳазаларига ора-сира қўшилар эканман, қалбимни нимадир бозовта қиласар, яхшилик ва ёмонлик, хунук ва чиройли деган иборалар айқаш-уйқаш бўлиб кетгандай туюларди. Бир вақтлар «Комсомолобод» номи билан машҳур бўлган бу чўлда ҳашаматли бинолар билан бир қаторда ҳалқ истиқомат қилиши учун бир хил услубда қурилган уйлар, маҳалла ва гузарлар беихтиёр эътиборингизни тортади. Буларни кўриб бу қаро кўзлар нечун қувонмасин. Поли-зининг ўзидан ҳандалак, қовун-тарвуз узиб еганларимиз. Бунинг гашти тамоман бошқача.

Аммо, шундайликка шундайку-я. Ердан ўнни олиб, бирни бермаса. Дараҳтларни бешафқат кесса. Унинг бугуни, келажаги ҳақида ўйламаса. Бундай инсоналарни не деб атайин. Бундайларни кўрсам, жиндаккина юрагим сиқилиб яна ҳам торайиб кетади. Сенинг шундай кенг бағрининг сифмай кетаман. Хаёллар курнивуда қоламан. Қалбимдан садо келади. Ёз дейди. Чўлкуварларнинг ҳиммати, садоқати чўлни яна ҳам яшинаб-гуллатади. Уларнинг заминга бўлган муҳаббатидан чўл бағри гуллар водийсига айланса ажаб эмас.

Ҳаммамизнинг ҳаёлимиз чўлнинг тақдири ҳақида эканми, бирдан Фариджоннинг «Мехнаткаш ҳалқим, жоним ҳалқим»,

деган сўзлари ҳушёр тортириди. Орада самимий беозор кулиги кўтарилиди. Одилжон: «Ҳалидан бери Фариджон нега жимиб кетди десам, меҳнаткаш ҳалқини ўйлаб келаётган эканда. Яна кулиги кўтарилиди.

Машинамиз бир маромда юрар экан, чўл шабадаси юзларимизни силаб, вужудимиизга роҳат ва ором олиб киради. Қани энди имкони бўлса-ю, чўл бағрида югурсам, ҳайқирсам. Шу зарра-зарра қумларга меҳрим-муҳаббатимни баён қилимас. Ватаннинг ҳар зарра тупроғи, шу оддий гиёҳлари, осмони, ҳавоси мен учун дунёда топилмас бойлик, баҳт-тахт эканлигини ифодаласам. Шунинг учун гоҳо сирмаганим бу азиз Ватаннинг ҳар томчи суви, нони, виқорли тоғлари жонимга пайванддир.

## КЎНГЛИМДАН КЕЧГАНЛАРИМ (Шоира Мукаррама Муродова хотирасига)

Мукаррама, оҳ Мукаррама!

Кўзларимнинг ёшини сира тўхтатолмаяпман, дуғонажон. Келин бўлиб тушган жойингни қара. Бирам сўлим, бирам баҳаво. Топи тушган срида азиз дейдилар. Тошкентни ҳавас қилувдингми, ўртоқжон. Барибир жуфти ҳалолинг билан илк кеча осмонда ой, юлдузлар, қолаверса, ҳар бир гиёҳ сени алқаб кутиб олинган эди-ку. Нега йиглатасан, дуғонажон. Бўз туирофини, унинг инсонларини шу қадар севганмидинг. Ёки севар ёринг қизганиб ўз ёнига тортдими. Ахир сенга «Моҳларойим»нинг давомини ёзасиз, деб тайинлаган эди-ку!

Фарзанд дорини ҳеч банданинг бошига солмасин. Ўзинг Музаффарнинг бевақт ўзими ўзи жиндаккина жонингни увол қилдими?

Икки қизинг Муҳаррамой ва Мунаввара етимликни бўйинларига олиб мунгайиб қолдиларми, уларнинг жонлари қақшабгина қолди-я. Энди уларга ким ота ва она бўлиб бопини силайди. Яхши, ёмон кунларида ёнларида суюнчиқ бўлади. Ахир сизлар бор уларнинг кўкси төғ, вужуди чаман эди.

Азиз шоирам! Биз неларни орзу қилмаган эдик. Иккагаламиз мактаб партасида танишдик. Шеърларим эндингина газетхон-ўкувчиларга маълум бўлаётган бир пайтда мени излаб Андижон шаҳридаги 32-мактабга баҳор кунларида келдинг. Ўзинг

ҳам баҳордек гулгун очилган, табиий ҳусни латофатинг билан ҳар қандай йигитнинг кўнглини сел қилолардинг.

Орез чаманининг боридан гуллар тера бошладик. Нодира-бегим ва Увайсий шеърияти бизга раҳнамо бўлган бўлса, Зулфияхоним, Саида опалар бўстонидан гуллар термоқ бизга орез ва ҳавас бўлиб қолди.

Курдошларим мени Бону деб чақирар эди. (Бу шоира момиз Самар Бонуга ўхшатин ва ҳурмат бўлса керак).

Менра ёзган хотираларининг бирида: «Дугонажон мен сени Бонуга менгзамадим. Адабиётда Мунаввара бўлиб қолишингни истайман» — деб ёзган эдинг.

Карим Аҳмадий ва Ҳопимжон Рассоқов тўғарагига қатнашганимиз, Олимжон Холдордан ўрганганимиз. Эҳ, ҳаммаси кечагидай.

Тўлан Низом, Каримжон Дехқонов ташкил қилган кечаларда бутун борлигимиз билан берилиб, шунга қатнашмасам бўлмайди, — деганларимиз унут бўлармиди-я.

Саида онамиз ва унинг ижодини жуда севар эдинг. Бундай ҳалол, пок, фидойи инсонни севмай бўладими. Сен улардан садоқатни, вафони, севгида содиқликни ўргандинг.

Талабаликнинг ажойиб онларини бошимиздан кечирдик. Минг бора шукр. Сизлардай инсонлар билан ҳамнафас ва замондош бўлдим. Қанчалаб шеърий оҳангларимиз ва ёшлигининг гўр туйгулари бепоён пахтазорнинг ўқ ариқларида, энди ёруглаша юз очаётган кўсакларнинг ним табассумларида қолиб кетди.

Азиз шоирам! Сенинг шеърларинг нимаси биландир бошқаларникидан ажратиб турар эди. Сен сабр-бардонини онангдан ўрганган эдинг. Хоҳ ижод соҳасида бўлсин, хоҳ оиласий ташвишлар бўлсин, енгишга қодир эдинг. Мирзонинг (Мирза Карим — ёзувчи, умр йўлдони) оғир бетоблигини бирга тортдинг. Усиз бўлармиди. Икки ижодкор бирга бўлиши юят мушкул шекилли.

Ўғлингнинг ногаҳоний вафотида ёринг ёнингда бўлса, анча довдирмаган бўлармидинг. Эҳ, на илож.

Бир шеърингда шундай ёзибсан:

Дарёни буришга келолгаймиз бас,  
Сўзимиз танбалаш солгай гайратга,  
Қўтлағизиз сайландик бугун ҳайъатга,  
Онам, онажоним бермоқда овоз!

Эҳ, дугона жон-а! Ўзинг айтишингча ҳар жиҳатдан энди қаторга қўшилганингда қиаларни бўялатиб, неварадарни жавдиратиб, дустларингнинг кўнглини ярим қилиб кеттанингта йилайми. Эвоҳ!

## КЎНГИЛНИНГ ҲЕЧ КИМ ЭШИТМАЙДИГАН НИДОЛАРИ

Гоҳо хизмат юзасидан, гоҳо турли сабабларга кўра касблари турлича, дунёқарашлари ҳар хил бўлган аёллар даврасида бўлганман. Уларнинг ички нидоларини, ҳеч кимга айтилмайдиган сирларини кўзларидан, чехраларидан беихтиёр тинглапига мушарраф бўлдим. Бу манзумани ёзишинга шифохонада даволанаётган уч аёл (Р.Д.Х)нинг сухбати туртки бўлди. Мен улардан миннатдорман. Улар нима деркин қулоқ солинг-а...

«Ассалому алейкум...

Сизга жуда кўп озорлар етказдим. Балки ундай ҳам эмасдир. Сизни кунда ва тунда ўйлайман. Усиз яшашнинг иложи ўйқ. Муҳаббат ташки қиёфага қарамас экан. Билмадим? Чиндан ҳам шундайми? Ўйламанг, осмондаги ой эканман деб. Асло ундай эмас. Аммо инсоннинг инсонлигини билдирувчи одамийлик, инсонийлик деган улуғ фазилатлари бор. Тафаккур деган буюк тушунча бор. Сизда ана шу фазилатлар жамулжам эди. Истайманки, орадан ўтган чорак асрлик вақт Сиздаги бу фазилатларга дарз етказмаган бўлсин. Зеро, юқори лавозимларда ишлани, пул, одамлар, давр Сизни ўзига тобе этмаган бўлсин. Мен Сизнинг ўша ўзлигингизча қолишингизни жуда-жуда истайман. Зотан, дунёқарашингиз андак ўзгарган (севги бобида) бўлса, мен учун нақадар оғир. Биронларнинг сизни севмайди деган сўзини эспитишни асло хоҳламайман. Бизнинг муҳаббатимиз шундай пок, шундай бегуборки, унга анча-мунча бўронлар ва шамоллар гард юқтира олмайди. Бизнинг муҳаббатимиз шу қадар самимийки, уни юзма-юз келиб изҳор қилишдан иймандингиз, унга заноғ стиб қолмасин деб андиша қилдингиз. Бизни юракларимиз тушинар эди. Одамлардан ҳаёс қиласр эдик. Кўзлардан тортинардик. Улар нима деркин деган сўз устун эди. Сизнинг борлигингизни, катта ҳаёт қўйнида эканлигингизни билсан бўлди. Менга шунинг ўзи кифоя».

« — Севги — мұқаддае түйіру. Бундай түйіру ёлғыз Аллохға ва севган кишиңгизгагина бўлиши мумкин. Бундай эҳтиромга сазовор бўлишининг ўзи бир баҳт, — дея давом этади иккинчи сұхбатдошим. Инсон феъли қизиқ бўлар экан. Ўзи етмаган нарсага интилиб яшаркан. Кўнгилнинг ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким эшитмайдиган, эшитиши ҳам мумкин бўлмайдиган нидолари бўлади. Аммо шундай шайтлар бўладики, кўзингизнинг бир чеккасида яширинганду мунгни кимдир илғраб олишини, дардингизга шерик бўлишини истайдиган вақтларингиз ҳам бўлади. Кошки эди бундай ҳолатни ҳамма ҳам англайверса. Афсуски...»

« — Балки бирга бўлмасликнинг ўзи ҳам бир баҳтдир, — давом этади учинчи сұхбатдошим. Ҳаётда кимнидир ўйлаб, кимнингдир ишқи билан ёниб яшашнинг ўзи буюк бир саодат эмасми? Тўғри ҳастингиз тоҳо мунгли, тоҳо завқли-шавқли кечади. Ҳаммасига чидайсиз. Чунки ўз баҳтингизни ўз қўлингиз билан ўзга қизга бердингиз. У қўзга тоҳо ҳавасингиз ва ҳасадингиз келади. Унинг кўзлари сизнинг учун кўрайтти, унинг қулоқлари сиз учун эшитяпти. Юлдуз тўла осмонингиз, ризқ-рўзингизни ўзингиз бердингиз. Тортинчоқлик қўлдингиз. Онангиз томонидан сингдирилган татым-тарбиянинг нишонаси бу. Тоҳо у ҳам мени ўйлармикин деган андипага бориб қоласиз. Ҳамон ундан ниманидир кутасиз. Буни ўзингиз ҳам билмайсиз. Улар ўйлайдилар, шивирлаб сўйлайдилар. Болаларидан, оиласидан яширин ҳәсллари билан сұхбатлашадилар. Нега шундай бўлди деган савол ҳамон қийнайди. Яна ҳаёт ўз домига тортади. Ўзга илож йўқ. Ёш улрайган сари ёшликтин олтгин ҷамлари яна ҳам буюкроқ, яна ҳам қўл етиб бўлмайдиган чўққи бўлиб кўринади. Тоҳо оромини йўқтади. Барibir у тотли ҷамларини эслайди. Чунки сиз уларнинг юрагига бир умрга муҳрлангансиз. Аммо юрагингиз қийналған вақтларда индамай ич-ичингиздан йиглаб оласиз. Шоир айтганидек: «Қайданам кўрдим сени», деб уришиб ҳам оласиз. Балки учратмасам бир умрга еттудай дард онимасмиди», — дейсиз.

Ҳақиқатан ҳам дил дарди ёмон экан. Буни кимга ҳам тушунтира олардик. Тўғри бир, иккита сирдош дугонанг бўлиши мумкин. Аммо ҳаммавақт ҳам....., — дея ўйга тоздим уч сұхбатдошга қулоқ тутиб.

Улар қалб йўқотишларини гўс ёшларга айттаётгандай: «Севгини, инсонни, ҳамма нарсани ўз вақтида қадрланг, пушаймон бўлмайсиз», — деяётгандай эди.

## ЭХТИРОМ

Болалигимнинг бегубор ҳамдами бўлган азиз мақтабим.

Пойостонангга илк бор қадам қўйган кеаларим гўдак ту-шунчамда сендан-да буюкроқ, сендан-да,- улуғроқ маскан йўқ эканлигини англаганим. Бу онларга, худди шу сонияларга ҳаётда тенг келадиган фурсат топилилармикин...

Сенинг ҳар бир дарахтинг, ҳар бир гиёхинг мен учун жо-нимдай азиз. Иссик бағрингда ўйнаб-кулиб таҳсил оларканман, менинг ҳам дутоналаримнинг ҳам оразу ва ўйлари бекиёс эди. Ана шу оразулар сари сен бизни етаклайдинг ва улрайтири-динг. Япроқдаги шабнам каби тип-тиниқ илм булоқларидан баҳраманд бўлиб, катта ҳаёт сари қадам ташладик. Бу ҳаёт йўлларининг төп-текис ва равон бўлмаслигини, ундан қоқил-май ўтишиликни, анча-мунча қийинчиликларни улоқтириб таш-лашиликни ўзинг ўргатган эдинг.

Энди сени соғиниб-соғиниб яшайман. Ҳар сафар шу кўча-дан ўтарканман, сенга виқор ва ифтихор билан боқаман. Чун-ки шу парталарда, шу деворларда бармоқларимнинг излари қолгандир. Ҳаммаси учун қуллук сенга.

Сен ҳақингда гапирияпману меҳрибон устозларим гина қил-гандай боқиб туришибди назаримда. Робияхон Сафарова, Рўзи-хон Нишинова, Ҳадичахон Эрматона, Роза Зисеевна Еникеева, Мунаввархон Илёсова, Тамара Николаснна Гурова, Антони-на Святославка (фамилияси ёдимда йўқ), Санжар Эргашев, Абаев, Абдураҳимов, Аҳмедов, Ёрқиной Ҳусанова, Ибодат-хон Щўлатова каби устози аввалларнинг мунаvvар чехралари кўз олдимда бирма-бир намоён бўлмоқда. Буларга эҳтиром ва таъзимлар бўлсин.

Мана, бир неча йилдирки, пири устозим, муаллимим Низомжон Умаров орамизда йўқ. Шеърлари, яратган асарлари, драмалари, қолаверса, менинг ҳар бир калима сўзимда у ки-шининг иккинчи умри бўлиб, яшайди. Чунки мен ҳали тетапоя бўлиб, адабиёт оламига кириб келар эканман, бошимни сила-гандарини, сатрларимни эринмай ишлаб, таҳлил қилгандари ҳамон ёдимда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлар эканман, қани Тошкентдан учиб келибоқ, устозимга суюнчи олсан.

Муҳтарам шоиримиз Абдулла Орипов ҳузурида турар экан-ман, домламнинг руҳлари кўрятимикин деган хаёл оғушида қолдим.

*Устоздан ўргандым сабр-бардоши,  
Илмга ташналик, қалбга оташни.  
Мәжнүтга садоқат, комил бұлмоқиши,  
Камтарлык, хүшхүлкү қандай яшаши.  
Илмдан қидырдим толе ва бағтиши,  
Алшфбодан топдим олтын калштиши.  
Түрли фан үммөнин гаввоси бўлдим,  
Гавҳарлар топдим мен таниб ҳарфни.*

Устози комил бошлигига мактабда «Ҳавас» номли деворий газета чиқарар эдик. Эндигина ижод пиллапояларига қадам босаётган ўқувчиларнинг шеърлари, мақолалари чоп этиларди. Шу билан бирга синфда оқсаб қолаётган айрим ўқувчилар танқид қилинарди. Шундай қилиб, домламиз бизни журналистлик фаолияти ҳамда газета ҳасти билан таништириб, уларга тайёрлаб борган экан. Андижон шаҳри мактаблари ичида домламиз биринчи бўлиб, мактабда синфимиз ёрдамида тарихий музей ташкил этдилар.

Музейни бойитиш учун ҳар бир ўқувчи баҳоли қудрат қадими ги уй-рўзгор буюмлари, кийимлар олиб келиб ўз ҳиссаларини қўшидилар. Бу ерда аёллар паранжисидан тортиб, хаккар ковулигача, қора чироқ, кумушдан ясалган косалар ўрин олди. Энди музейнинг тозалиги ва бошқа ишларига сардорлик қилиш синфимиз ўқувчиларининг зиммасида эди.

Домламнинг бекисс меҳри, камтарлиги, хоксорлиги, сахий қалб эгаси эканлиги бутун жисм-жони билан ишлаб ўзини фидо қилиши ҳар қандай менман деган инсоннинг кўлидан келмаса керак. Негаки, кўринишдан жуда оддий, бойлика хирс қўймаган домлажоним эл қатори яшар эди. Мактаб, уй, ижод, дўстлар давраси ҳастининг энг зўр лаҳзаларидан эди.

Кейинги йилларда вилоят аффибиёт ва сизъяат музейида ҳам ишлаб «хазина» бошлик қилидилар. Ҳар бир ижодкорга алоҳида нафка. Унга ниҳоятда меҳр билан яратилган асарларни, расмларни, китобларни жойлар, мен қараб туриб бу саковатли инсон олдида лол қолар эдим. Орамизда яшаеттан бундай инсонларнинг қадрига вақтида стмогимиз ва съозини қилмогимиз даркор.

Мактабимиз Фозил ҳожи (пиёда ҳаж қилган) деган совунгар бойнинг ҳоялисида жойлашган бўлиб (1935 йиллар), истараалик, икки қанатдан иборатдир. Ўша вақтда шу мактаб биносида яшаб фарронилик қилувчи рус аёллари тозаликни ҳамма нарсадан афзал кўрар эдилар. Иккинчи қаватта кўта-

риладиган зинапояларнинг ярақиаб туриши ҳануз кўза ўнгимдан кетмайди.

Мактаб биносининг орқа томонида ўрик ва бошқа мевали азим дараҳтлар ўсар, уларнинг ёнида мактабимиз иссиқхонасида баҳор ҳавосидай нафис ва ям-яшил кўқатлар дилни яшнатар эди.

Ўша йиллари (1960) мактабимизга спорт зали қурилиб, турли тадбир ва кечалар ўша срда ўтказилар, биз эса ўзимизда йўқ шод ва хуррам эдик.

Ҳар бир катта танаффусда ўша даврда манзур ва машхур бўлган Радж Капур, Латаман Гишкар (ҳинд актёрлари) қўшиқлари, Фахриддин Умаров, Коммуна Исмоилова сингари ҳалиқимизнинг ардоқли санъаткорларининг қўшиқлари биз билан кеча-кундуз ҳамроҳ эди.

*Ишқ ила қолгай маломатга букуп  
бошим менинг,  
Не учун келмас ёнимга яқин сирдошим  
менинг.  
Сен кезарсан пахтазорда, эй аэзиз барно  
йигит,  
Мен кўриб қомалтицинг қолмайди бардошим  
менинг.*

Йиллар ёшликтининг сержилва саодати ила ўйлаб-кулиб ғамлардан холи ўта бошилади.

Вақт ҳеч қачон кутуб турмас экан. Синф раҳбаримиз Низомжон Умаров раҳбарлигида XI синфни 33 нафар ўкувчи тамомлаб, шулардан 24 нафари олий ўқув юргизида ўқидилар. Бу дегани ўқитувчиларимиз қилиш мөхнатиарининг самараси эмасми?

Ойлар....., йиллар..... жуда ҳам югурик. Биз ҳам улрайдик. Турмуш ташвишлари ўз комига шундай тортикли, унинг сергилва ширин ташвишлари билан бўлиб, яқинларининг ҳолидан хабар олишининг ҳам имконини топа олмай слкангдаги юкнинг оғирлиги органерар экан.

Кунларнинг бирила ёзувчи Одилжон Олимов билан сұхбатлашиб ўтириб:

— Қаранг, Одилжон, домламнинг азасига бора олмадим. Қабрини бориб зиёрат қилишам ҳам бўлар эди. Аммо...

Бу ёгини ўзингиз тушунасиз. Онамнинг вафоти менинг бугун жисм-жонимни ғам гирдобига, ғамгинлик оламига шунчалар мубтало қилиб юборган экан... Ҳа, айттанча, Низомжон акам кўп

нарсаны билар эдиларда, — давом этди Мұхсин домла (Одилжон Олимов). Қаранг, Собир Абдулланинг жияниман деб бирор марта гапирганини ҳам билмайман. Қўзларимизда ёш қалқиди. Ахир улардан ҳам менга қадрдон эди-ку. Нега шундай бўлди, эвоҳ ўлмайди, — деб ўйлаганмидим. Бир неча дақиқа болалик оламига, ўсмирик даврим, домламнинг ҳазил-мутойибалари, биргаликда саҳналаштирган асаарларимиз бутун ўй-хаёшаримни чулиаб олди. «Ҳа, шунақа экан-да, Мунаввархон. Дунё армон билан тула экан», — деганда ўзимга келдим, Мұхсин домла ҳақлар. Мактабим ва домлаларимга эҳтиромларим бўлсин.

## ОЙ ТЎЛГАН КЕЧАДА

Сутдай оппоқ кечада... Юлдуз пориллар. Кузнинг ҳазин туни. Мана шундай кунларнинг бирида заҳматкаш муаллимларимизнинг байрами нишонланади.

Ана шу байрам муносабати билан ўқуучиларим — Латофатхон ва Қобилжон (эр-хотин)лар куанинг оппоқ ойдин кечасида, ой тўлган кечада йўқловб келдилар. Болаларим билан кўришиб, бағримга боссам, ҳар иккенинг ҳам вужудлари яшнаб кетган, булардан юрагим, бутун борлирим яшариб кетди. Нима бало, бора-бора йигитайдиган бўлиб қоляпманми? Юрагим қалт-қалт қиласди. Нон синдираётган қўлларим сездидириб қўйди шекилли, дарҳол дадамиз (умр йўлдошим) нонни ўзи синдира бошилади. Бу самимий, қувончли, эҳтиросли ҳаяжонни қаерга яширайин. Ўзи дилимнинг тубидан фавворадай отилиб кетмоқчи. Осмон шунақа тиниқ беғуборки, бундай оппоқ-ойдин кечани менинг қалбимга улар олиб кирдилар. Онгим, шуурим, туйгуларим безовта бўла бошлиди. Ҳозирги анча тарангларишиб қилини қирқ ёрадиган бўлиб қолган ҳисларим ўшиға ўғур ёшлигимга, ўша митти-митти болажонларимга билиб-билмай сабоқ берган, ўзимни ҳам унутиб мен буларни ўқитиш им керак деган йилларимга қайттим келди. Мажнунтолнинг кокилидай соchlари селкиллаб мактаб остонасини муқаддас билган, қош-кўзлари бенардоз қизалоқлар, баҳолари у қадар мақтарли бўлмаса-да, панкалари китоб ва дафтарга тўла, ҳусн ва чиройда бир жаҳон ўрил болалар қаторларшиб кўз олдимга келдилар. Уларнинг ора-чура бурнини тортиб қўядигани ҳам, қиалик латофати, ҳусни энди очилиб бораётган азиз қизалоқларим, оркатой ўғлонларим ҳам мен учун ҳамиша су-

яңчиқ ва ишончимнинг рамзи бўлиб қолади. Чунки улар билан ҳаётимнинг энг ширин лаҳзатарини, бирга кечирганман.

Болалик ва ёшлиқ аслида инсон ҳаётининг тақрорланмас бир фасли бўлса, яна ўзининг бекиёс инсоний кечинмаларга бойлиги, туйгуларининг мусаффолиги билан умр саҳифасида ўчмас из қолдиргусидир.

Қобилжон ва Латофатхонлар мактабдаги қобилиятли ўқувчилар қатори тиришиб-тирмашиб ўқидилар. Улар бир-бирла-рини севишиб турмуш қурдилар. Аллоҳ буларнинг қалбига солган меҳр-муҳаббатни бирор нарсага алишиб бўлмайди. Чунки улар бу туйруни ҳаётининг айни баҳорида қалбларига экканлар. Қалб мулки деб аталиши бу туйру уларга ҳаст синовларида энг яқин ҳамдам, меҳрибон мураббий бўлди.

Қобилжон олий маълумот олгунча ва номзодлик диссертациясини ҳимон қилинча Латофатхон ойлани маънавий ва иқти-садий томондан мустаҳкамлаб турди. Ўзи эса Андижон қурилиш техникумидаги таҳсил олди. Гўззалик ва ақл-хушда анси-нинг ёшлигини эслатувчи қиззарининг тарбияси ягона ўғли Зифарбекнинг келажаги, уларнинг эл суйган фарзандлар бўлиши учун эр-хотин биргаликда қайгурадилар.

Дунёда энг олий баҳт нима десалар, бир-бирини тушунмоқлиқ, алдамаслик, ҳар икки томоннинг чинакам сенгиси, яна қолаверса, энг олий ҳакам, ишонч, — деган бўлар эдим.

Қобилжон устози аввалларининг ишончларини чинакамига оқлаб, уларлан олган таълим ва тарбияни Мустақил юрт фарзандларига, яни келажак авлодларга етказиб, Андижон Муҳандислик институтида хизмат қилмоқда.

Мана улар баҳонасида қалбим тўрисида туғилиб ётган қалб чигалликларини, ҳурмат ва эҳтиросларимни, азиз туйгуларимни дафттарга туширдим.

Хайрхўнлашиб, уларни кузатар эканман, қалбимда қандайдир ёрқин, нурга тўла ҳис-туйгулар қолди. Бу тун дунёга янги пеъъ келди:

*Сокин куз оқшоми ёқади жуда,  
Бир оз этларинги жунижиктира ҳам.  
Тавсифин тополмам тилим учидা  
Қайдасан, севгилим, мунисам ҳамдам.*

*Ой тўйлган кечада саир айласак биз,  
Хиёбонлар бўм-бўш, шишрлар барглар.*

*Тилларанг япроқлар түшиб изма-из  
Юпунсиз, мунәсайиб колар тераклар.*

*Маҳзунлик құйнида юввош тортамиз,  
Далалар согинчи энтиктифади.  
Тұманнан құйнида гоҳ адашамиз,  
Гоҳида түнд ҳаво зериктиради.*

*Олмазор бөгларда кезар бир түігу,  
Тасвириң тополмай дыл бўлар хуноб.  
Ҳар зарра гиёхда мавжуд әрур бу,  
Ҳар шоир дилида мисоли селоб.*

## **МУНАВVAR ЙҮЛ**

### **ИЛК ҚАДАМ**

Саратон чилласи бир оз пасайған бўлса ҳам, қуёш ҳарорати ҳануз борликни ўз домига олган... Август ойининг дастлабки кунларида оразу-тўлқинлари ичра ғарқ бўлиб, устимда ним-пушти гулли оқ крепдешин қўйлак, бошимда оқ ироқи дўппи, оёғимда япон шиншаги билан мактаб останасига қадам босдим.

Мактабга кираверишдаги қулоч етмас азим дараҳтлар бу ерга ташриф буюрганларнинг вужудига салқишилик, хуш ҳарорат бахши этарди. Мактаб қоровуллари Каримжон ва Гуломжон тогаларнинг беминнат кўк чойи чанқоқни босар, иссиқдан ҳаприққан юракка ором берарди.

Саҳни ҳам унча катта бўлмаган бир қаватдан иборат бўлган бу даргоҳ Андижондаги пойдевори мусгаҳкам мактаблардан саналади. Бир вақтлар бу мактаб ҳақида орезу ва ҳавас қиласли даражада сўялар юрарди. Эмиши: «Муқимий номли 27-мактабга ўқитувчини чертиб олар экан... Анча-мунча ўқитувчи у ерда дарс бера олмас экан. Бу сўзлар не чорлик тўғри ёки нотўғри эканлигини мактабга келган кунларимданоқ ҳис қилиша бошладим. Ҳар қайси ўқитувчи ўз фанини чуқур билади, ўз ишига сидқидилдан ёндашади.

Воажаб... Шунинг учун ҳам кейинчалик катта-катта давраларда бўлганимда фалон мактабда ишлайман десам, тил ва адабиёт, физика, математика фанлари ўқитувчиларини дарҳ-

ол ёдга олиб сўрайдилар. Булар: Усмонжон Алиев, Одилжон Ортиқов, Эрганибай Сайфидинов, Марямхон Каримоваларнинг қилган меҳнатларига ташаккур билдирадилар. Шундай қилиб, 29-мактаб ҳақида сўз кетадиган бўлса, менинг ҳам қалбимда фахрланиш, ифтихор туйғулари уйғона бошлади. Чунки мен ҳам устозлардан ўрганиб, мактабнинг шон-шуҳратини сақлаб қолишга ҳаракат қилишим керак. Тил ва адабиёт муаллими Н. Қосимова катта-катта йигинлаарда маъруза қилар экан: «Мактабимизнинг тўни эски бўлгани билан унинг қалби, маънавияти янги ва мустаҳкам. Бизнинг ўқитувчиларимиз соғлом фикрли, покиза инсонлардир. Бу даргоҳда ажойиб инсонлар тарбия тоғланлар. Уларнинг қалбларига она сўзидаи ёқимли, Ватан сўзидаи жарангли нидоларни Оминахон Қодирова, Азизахон Абдурашидовадек буюк зотлар олиб киргандар».

Ҳақиқатан ҳам бу ўқитувчиларда билим билан бир қаторда педагогик маҳорат, болаларни севишдек буюк муҳаббат уйғуналашиб кетган эди.

Устозлардан ўқитиши сирларини ўрганган бўлсак, ҳаёт мактабидан эса ўзимизнинг шахсий оиласий мухитимиизни соғломлаптириш каби мураккаб вазифаларни кўшалоқ ҳолда олиб бордик. Тўғри, кейинчалик уйға кетганимиздан кейин фарзандларимизнинг анча-мунча ғалвасини кўтара олмайдиган бўлиб қолдик. Буларда шу ўйинкароқ ўқувчиларимизнинг ёшлиқ-бебопликлари бўлса, яна қолаверса, ора-кунда бўлиб турадиган ноўрин текшир-текширлар, бемаврид ташриф буорадиган комиссияларнинг ваҳималари асаб торларимизни таранг қилиб юборган эди. Баъзан: «Нега уйда ўтирган аёллар қатори бўлмадик», — доб ўқиниб ҳам қўяр эдик. Аммо шу йиллар мобайнида қанчалаб болаларнинг қалбига нур ва зиё баҳш эттанимизни билганимидик. Уларга ишм деган буюк чўққи сари пислалоя бўлганимизни билганимидик.

Муаллимлар имонлари бутун, теран маънавиятли комил инсонлардир.

Мактабларда муаллимларнинг кўплари аёллар бўлганилиги учун баъзан оила, болалар ташвишлари уларни кўпроқ ўз мухитига бўйсундириб олар эди. Натижада эртанги дарсга конспект ёза олмаган ёки дафтар текшира олмаган муаллим кечгача мактаб илмий бўлиб мудиридан ҳайқиб, юрагини ҳовучлаб кунни кечкиртиради. Ана энди, мұхтарам ўқувчим, юқоридаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қадрдан муаллиминингнинг бола табиат бўлиб қолганилигини, феълида инжикдик

аломатлари пайдо бўлганини сезармикинсиз? Муаллимларингиз катта идораларга боргандা, у ернинг шарт-шароити билан чиқиши олмаслигини тушунармикинсиз? Ваҳолангки, ўқитувчингиз умр бўйи болалар орасида яшади. Катта жойларни ҳавас қилмади. Унинг бирор юмуш билан юқори лавозимдаги киппиларга учраганда, уларнинг салобати босишини тушунармикинсиз? Юқори мансабдор киппиларнинг нақадар маданият ва хушхулқ билан қилган муомаласи ўқитувчингиз қалб ойнасини янада равшанлантиради. Акс ҳолда унинг мадад истаб келган кўнгиллари ногаҳоний тўфон ичидаги қолгандай айқашуқсан бўлиб кетади.

Ишга келган вақтимда мактаб жамоаси у қадар кўп эмас эди. Гўё жамоанинг эркатои, кенжатои мен эдим. Орадан бир, икки йил ўтгач, мактаб ўқувчилар сони кўпайгани учунми, бир қатор мен тентқур ёшлилар хизматга келдилар. Улар билан ҳар жабҳада кўмаклашиб иш олиб бордик. Булар: Оқибатхон Иброҳимова, Шаҳзодаҳон Алимова, Гавҳархон Ҳасанова, Азизахон Искандарова, Зулфияхон Мухторова, Муталибжон Мамажоновлардир. Утказиладиган ҳар бир ма-росим, ҳар бир тантана ёшликтининг тақорорланмас шижоати, ёшликка хос бўлган куч-райрат билан ўтказиларди. Бу кунларга шукроналар бўлсан! Оладиган маопнимиз эса ҳар бири-мизнинг дарс соатимизга қараб берилади. Собиқ директоримиз Одилов домла: «Ўқитувчи осмонга ҳам чиқиб кетмайди, ерга ҳам кириб кетмайди», — деб таъкидлар эди. Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Чунки ҳар бир ўқитувчи оладиган маопини ҳисоб-китоб билан сарфлар, ҳою ҳашамларга берилавермас эди. Борди-ю, бой аёллар даврасида ўтириб қолгудай бўлсан, ўзи-мизнинг маънавий бойлигимиз билан барибири юқори турар эдик.

Қорлар эриб, анҳорлар бўтана сувларга тўлгач, толлар қизаларга сочпонуклар ҳади этган чоғлари мактабимизда ҳамма дараҳтлардан илгари ўзининг ҳусн-таропатини оламга ёйган, қалбларда яшаш шавқини уйғотган бир туп ўрик ўқувчи-қизаларимизнинг гунча лабларини эслатиб гулга бурканарди. Уларга қараб туриб ўзимизнинг ҳам болалик-бокирадик пайтларимиз ёдимизга келар, ариқ бўйларида, мактаб саҳналарида ҳамма гуллардан аввал сафсар, оқ, сариқ бўлиб очилувчи бинафша руҳимизни қандайдир баҳорий ҳузур-ҳаловат, нағислик, нозиклик туйгуларига йўғрилтиради. Қизларнинг ўзла-ридай сулув бу гуллар димоқларда бир умрга ўчмас ифор қолдирган эди. Баҳор ҳавосидай нафис на оромижон қизлар

ва йигитларни оналик ва оталик мұхаббати билан сүймасдан ўқитиб бўладими? Томир-томирларимизга сингиб кетган домлаларимизнинг ўгитлари ҳамон ёдимида. Бизнинг истагимиз ва умидимиз — шу болалар — бизлардан ниманидир олиб қосалар.

Ардоқли ўқупчим! Шу ўринда ўқитувчиларимизнинг ҳасти ва феъылларидаги қизиқ ҳолатларни ҳам айтиб ўтгай. Дарсдан бир оз кеч қосак ёки бетоб бўлиб ишга келмаган кунларимиз директоримиз: «Ҳа, сочинизнинг учи оғриб қолдими, ёки тирногингиз оғридими», — деб бизни койир эди. Азиз болажонларим! Ҳадеб сизлар танбеҳ ёшлитиб қолмай, биз ҳам даккилар ёшлитиб турардик.

Математика мualлимаси Клара Раҳматуллина аямизни қалампир дейдиларди. Магазинларда ҳам одамларнинг ҳаққини талашиб, айтишиб, қолган аяжонимиз излаган ҳақиқатини топдими, йўқми билмайман.

Муқаддамхон опам: «Шляпанинг тагида биттаси гилдираб кетаётган экан», — деб ўқитувчиларимизга шама қиласа, Ибррагимжонов домла: «Штирлиц ҳам кеп қолдику», — деб Хўжа-аҳмедов домлага баҳо берарди.

Мўйдинжон Алиев дехқон табият бўлиб, бутун паҳта мавсумини далада ўтказар, ундан анча-мунча иш қочиб кутулмасди. Қуий синф ўқувчилари билан ҳамиша «Светофор» ўйинида ютиб келишарди.

Узоқ йиллар халқ маорифига меҳнати сингиб, кимё фанидан жуда кўплаб шогирдлар етишитирган, II Жаҳон уруши қатнаничиси Муҳаммаджон Охунов ўзининг сеरзардалиги, бир оз қайсарлиги билан ажралиб турарди.

Ниҳоятда камтарин ва камсуқум домламиз Мишаилов Доң Рафаэлович ўқувчиларининг қалбида шундай меҳр ва садоқат қолдирганки, домланинг вафотидан аввал: «Домла кетманг. Болаларингиз кетса ҳам сизни ўзимиз боқиб оламиз», — деб илтижо қилинган. Ота ва она қўйилган тупроқ қўйиб юбормаганми, ёхуд шу тупроққа, шу халққа бўлган ташналиқ, севги ва садоқат устуворлик қилгани учунми, домла кўчиб кетишидан бир куни аввал шу ерда қазо қилган. Ўзининг ҳам бу юртни ташлаб кетгиси йўқ эди. Лекин болалари кўймаган. Менга буларни Нафисахон Қосимова ҳаяжон билан сўзлаб берди.

## УЧРАШУВ

1998 йилнинг охирилари. Гарчи қиши ўз ҳукмини у қадар ўтказмасеттан бўлса ҳам, ҳано бир оз сонуқ, изгирин бурун ва юзларимизни чимчилаб кўзлар ёнисланади. Қуюқ туман ҳаммаёқни қоғлаган. Дараҳтлар ва табиятда маҳзунлик ҳукмон.

Мана шундай кунларнинг бирида ёзувчи дўстларим билан учрашиш мақсадида ҳокимият биносига қадам қўйишим билан бирорвнинг «Ассалому алайкум» деган ёқимли ва таниш овози сескантириб юборди. Бу овозни олис йиллар нарида энгиттан эдим. Рўпарамда ўрта бўйли, юзлари ёқимли, кўзлари кулиб турадиган ўқувчим — Бобораҳим Эргашев турарди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан сўнг, ўзининг хизмат мавқеи ҳақида сўзлаб, «Луқмонов Паҳлавон акамлар билан бирга ишлайман. У киши ҳозир вилоят ҳокимининг ўринбосари, юринг бир кўришиб кетасиз, аяжон. Ҳеч хижолат бўлманг», — деб йўл бошлиди. Рӯҳимда ҳаяжонга ўхшашми ёки ифтихор туйғусими пайдо бўлди. Хонага кириб борар эканмиз, қадди-қомати, салобати худди шу хонага жуда мутаносиб тушган Паҳлавонжон Луқмонов ўрнидан туриб қарши олди. Илтифот билан ҳол-аҳволимни сўрар экан, бир вақтлар муаллимлик заҳматларига чидамай қилиган нолишларимиз ёдимга тушиб, дилимнинг туб-тубини хижолат изтироблари эгаллай бошлиди. Баҳор ҳавосидай ўзгарувчан бу изтироблар секин тарқалиб, кўнглим равшан тортиди. Шу пайт қўлида чойнак ва пиёла кўтарган ёнгина жувон тоят мулойимлик билан бизни чойга таклиф қилди. Паҳлавонжон илк бор поий қадами теккан мактабини, домлаларининг сабоқларини эслаб, миннатдор оҳангда: «Опажон, китобларингиз нашри учун қўлимдан келганича ёрдам бераман», — деб кўнглимни кўтарди. Мен ҳам болаларимнинг бағрида яйраб ўтирас эканман, яқинда бўлиб ўтган бир воқсани сўзлаб бердим. Ҳозир тилимизда жаргон сўзлар кўплайиб кетди. Уларни беихтиёр ишлатиб қўйганингни ўзинг ҳам билмайсан. «Мана бу чойингиз теппа эмасми?» — сўрайман сотувчидан. «Йўқ. Ўқитувчимиз бизга ундаи ўргатмаган». Ялт этиб қарадим. Қачонлардир энгитганман бу овозни. Рўпарамда қорни юмалоққина, олд сочлари тўқила бошлаган, тилла тишларининг ўрни бўш, қарашлари ёқимтой йигит турарди. Шу он биз бир вақтлар зўргагина «З» ва «4» баҳоға ўқиган, ўзлари анчагина «мўмин» болаларимизни — койиганларимиз ёдимга тупди. Хайрият. Ўйлайман. Нонини

ҳалоллаб, меҳнат қилиб топиб еяпти. Одамларги хиёнат қилмагити. Минг бора шукр. Йигит чойни узатар экан, мен ўқувчингиз Музробжон Абдулазизовман. Пулини олмайман аяжон», — деди. «Иўқ. Янаги сафар келишим осонроқ бўлиши керак», — деб қушдай енгил бўлиб магаиндан чиқдим. Ҳар уччаламиз бир оз енгил тортгандан сўнг, хайрхўшлашиб чиқар эканман, бир дунё қувончга ҳамроҳ бўлиб, севинч ва ифтихор туйгуси бутун вужудимни қамраб олди.

*Мактаб даргоҳи бир боз бўлса,  
ўқувчилар унинг мевасидир.*

Бу боғдан шундай мевалар стишлики, бирлари кишилар дардига малҳам бўлса, бирлари вилоят, республика миёссида одамларга яхши йўлбошчилик қилиб, бирлари игна билан қулуқ қазиб. ҳалқимизнинг бебаҳо гавҳарларига илм булоқларидан сувлар берриб, чанқоқларини қондирса, яна бирлари эса ҳётимиизнинг турли йўналишларида қадам ташлаб, Ватанимизнинг келажак пойдеворини мустаҳкамламоқдалар. Булар: Абдуваҳоб Абдуваҳадов, Холидбек Мадаминов, Ҳамида Мадаминова. Мастура Солиева, Латофат Мирзабаҳромова. Нигора Қаҳҳорова, Турсунбой Хўжасев, Муҳаррам Жалилова, Саида Тоқибекова. Исақов Анвар, Бобораҳим Эргашев, Қобилжон Холмираасв. Эҳе, қайси бирини ёзайин. Китобхонимизни зериктирмаслик учун бу боғнинг айрим гуллари ҳақидагина сўз юритдик, холос.

Энди шу гуллардан бирининг номини хурмат ва эҳтиром билан тилга олмасак бўлмас чоги. Бу кинни Тошкентда яшаб ижод этаётган шоир, файлсуф-олим Маҳкамжон Маҳмудовдир. Ҳар бир замон, ҳар бир Ватан, ҳар бир пойостона бундай фарзандлари билан улуғ ва муҳтарам бўлграй.

## УСТОЗЛАР ЁДИ

Кун кетидан тун, ёруғлик қоронғуллик билан алмашганидай ҳаётда тирик жонзот борки, фано йўлига тушиши муқаррар экан.

Баҳор ўзининг ям-яшилиги, навниҳоллиги билан, ёз кўркамлиги, гўзал табиати билан, куз — сокин, маҳзунлиги билан, қиши — эса изғирини, аёзи билан ажralиб турар экан.

Шундай экан... Сафдошларимизнинг кўплари фано дашти томон йўл олдилар. Марямхон Каримова, Усмонжон Алиев, Азизахон Абдурашидова, Ҳомиджон Ибрагимов, Аҳмадали Маматқулов, Муҳаммаджон Охунов, Муқаддамхон Тешабое-ва, Саодатхон Исаева, Низомжон Үмаровларни Аллоҳим мағ-фират қилисин.

Уларнинг йўллари ёруғ ва мунаввардир. Улардан ўчмас из қолгусидир.

## ЁЗ КУНЛАРИ

Ёз кунларини сориниб эслайман. Айниқса, болалигимдаги ёз ойлари хотираси сўнмас ва ўчмасдир. У вақтларда саратонлар ҳам бошқача бўлар, қаерда тангадек соя бўлса, ҳамма ўша ерга талпинар, ҳовлилар оралаб ўтган ариқ бўйла-рига кўпроқ тол экиларди. Унинг қандайдир шифобахш хусусияти ҳисобга олинармиди, билмадим. Қоқ туш маҳали бўлса керак. Отам яктакчан, қора лас тўнини дарвозахонага солиб ётиб, икки томондан эслан шабададан ҳузур қиласин.

Ўша ёз кунлари, айниқса, саҳар пайти сўлим ва оромижон бўлар, булбулларнинг нозик сайранлари, назокатли овоазлари, атиргул ва райҳонларнинг муаттар ҳидлари, тонгги шабаданинг енгил тебраниши қалбларга илҳом бўлиб қуилар эди.

Бу дунёда нимаики нарса бўлса, улардан ҳам азироқ, улардан ҳам мўътабарроқ нарса бўлмас экан. Улар ҳоҳ дову да-рахт бўлсин, ҳоҳ оёғингиз остида ястаниб ётувчи ям-яшил майса бўлсин, ҳар бирининг ўзига хос таровати, ҳусн-жамоли, инсонга қандайдир куч-кувват багишловчи сехри бўлар экан. Эрта тонгда туриб уларни кўриш, улардан баҳра олишнинг ўзи ҳам ноёб бир нарса экан.

Ана қушлар чукур-чукур қилиб, гўё сизга тонгти саломини итказаётгандай, тинчлик, омонлик тилаётгандай... Чукур-чукурларингдан ўргилай беозору, бегуноҳларим... Худойим ҳар бир инсоннинг қалбига сизларни севинчилик, сизлардан завқда-нишлик туйрүсини солсин.

Тонг слларини жуда сепаман. Улар эрта тонгда қалбимга, бутун вужудимга атиргул ифорини олиб кирадилар. Бундан ҳам шукухли, бундан ҳам тароватли нарса борми дунёда?

Отам сарвиқомат, оқ сарикдан келган, истараси иссиқ киши эди. Оққўнгил, тоза руҳли, ҳалюл ва пок одам бўлиб, ҳақиқатни

сўзлаш, борига шукур қилиш отамнинг энг яхши фазилатларидан бири эди. Бундай отани севмаслик, бундай отани эсламаслик сира мумкин эмасдир.

Оҳ, отажоним хуисурат сиймоингиз доим кўз ўнгимда. Менинг ювошим, мўминим отам. Ўзингизнинг ниҳоятда озодалигингиз, покизалигингиз, ҳақиқатгўйлигингиз билан ҳалқнинг ҳурматига сазовор эдингиз.

Оҳ, отажоним! Сизнинг отангизни Тиллабой ўзбек дейишар экан. Жуда ҳам мўмин бўлса керак-да! Уйимизда отангизнинг атлас тўқийдиган дўкони бўлиб, ўшанинг даромадига тирикчилик ўтар экан.

Аллоҳнинг марҳаматини қаранг! 1902 йилги зилзиладан Сизни — 20 кунлик чақалоқни сақлаб қолибди. Бу бизнинг ва онамнинг баҳтимикин. Ҳар нечук билолмадим?

Бўйлари бўйингиздай сарвқомат, ўзингиздай ювони ва мўмин ягона ўғлингизнинг тўрисига ўтмадингиз. Унинг ҳалол меҳнат билан топган ширин нонидан тотимадингиз. Нечун шундай бўлди? Аллоҳ бундай фараҳбахш кунларни, фарзанд иззатикромини раво кўрмади. Нечун отажоним?

Онангиз Тожибуви отин турилган жой ширмонпазлик, ҳозирги темирчилик маҳалласи (Эски каппон, ҳовуз бўйи)да бўлиб, биз ҳали жуда ёш эканмиз, энам ва онам билан бирга ушбу хонадонга кўп меҳмонга борар, бизни энамнинг жияни Адолат холам ва унинг қизи Рисолат опам ниҳоятда меҳрибонлик билан кутиб олардилар.

Энамнинг тогаси Тиркашвой бошқа бойлар қатори Чорбокка қулоқ қилинади. (Бу XIX асрнинг охири, XX аср бошлиари бўлса керак, ҳозир Тиркаш тоганинг юз ёшдан ошган фарзандлари бор).

Чорбог Арслонбобга яқин жой бўлиб, ўзининг хуш ҳавоси, чиройли табиати билан одамларни мафтун қиласди. Энам ва унинг синглиси Бусарабу ҳар йили ёзда тогасиникига дам олгани боришар экан. Мана шундай саёҳатнинг бирида Тиркаш тоганикига етти бўлиш (Етти бой) йигилиб биттадан қўй сўядилар. Шаҳарлик меҳмонларнинг шарафига. Ўна вақғнинг, ўша срнинг удумига кўра кичик сингил Бусарабуга етти бўлишдан бирини кўёвликка танлаши керак эди. Ҳамма бойларда уч-тўрттадан хотин бўлганилиги учун, Бойқамашда гарчи тўққиз бола бўлса ҳам, битта хотин бўлгани учун Андижонга уй тутиб берини шарти билан Бусарабу шу кишига узатилади. Бусарабу бепе фарзандлик бўлади. Орадан бир неча йиллар ўтгач,

Бойқамаш почча Андижонда бетоб бўлиб қолади. Буни эшиг-ган тенгқурлари унинг қора отини олиб йўлга тушадилар. Бир неча шаҳар ва қишлоқларни ортда қолдириб, Андижондаги Сой бўйида дам олмоқчи бўладилар. Шу пайт шундай мўъжи-за рўй берадики, Бойқаманинг оти вафот этади. Бу ҳолатдан ҳанг-манг бўлган дўстларидан бири ҳозир Бойқамаш ҳам ва-фот этди, тезроқ борайлик деб, — отларига қамчи урадилар. Бориб қарасалар, ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган воқса юз берган эди.

Мана, муҳтарам ўқувчим, отамнинг холаси, яъни Адолат холамнинг онаси Бусарабунинг ҳаёти билан бир оз бўлса ҳам танишиб олдингиз. Энди сизларнинг ҳайрон бўлмаслигингизни жуда-жуда истар эдим. Чунки бошқалар қатори мен ҳам ав-лодимнинг етти пуштини билгим келади.

«Болалар ширинликка ўч бўлади», деганилари рост бўлса, мен Адолат холамнинг асалини жуда яхши кўтар эдим. Чунки Адолат холамникига юқорида айтганимдек, Арслонбоб ва Чорбоядан қариндошлар кўп келар, у томонларда асал ва сариёғ сероб бўлганилиги учун холамницидан бундай таомлар узилмас эди.

Отажоним, айтишларича, катта отангиз ва энангиз — мулла Мадамин Охун ва Тўхтажонбуви (энам Тожибуви отин-нинг ота-онаси) болаларни ўқитадиган мударрис домла экан. Ҳаргал шу хонадонга борганимда, мени қандайдир ўзим ҳам (бала қалбим) англаб етмайдиган туйгулар чулғаб олар ва бу сархунлик узоқ вақтгача давом этар эди.

Биз ҳали жуда мурғак эканмиз, бошқа кўплаб хонадонлар сингари бизнинг ҳовлимиз ҳам ичкари ва ташқари ҳовлидан иборат бўлиб, ташқарида эркак меҳмонлар кузатилиар, сиз ва дадам (амаким)нинг яхши ишда ишлаганингиз учунми, ёки бу уйда қут-барака борлигиданми, (ҳозир ҳам шундай) бирор нарсага муҳтожлик сезилмасди.

Аммо ҳаёт, турмуш инсонни ҳамиша силаб-сийламас экан. Сиз ва дадам бирин-кетин турли касалликка чалиндингиз. Ҳаёт-нинг ҳамма заҳматлари кексайиб қолган (ёпи тўқсонларга борган эди) энам ва навниҳол онамнинг зиммасига тупди.

Энди ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан қоқилмай кетиш, тоҳи момақалдириоқлар гумбурласа, тоҳи чақмоқлар чақса, ҳаммасига метиндек бардош билан чидаш керак бўлди. Энам-ку, ёшини яшаб, улуғ ёнга бориб қолган, аммо бечора она-жоним жуда ҳам ён эдилар. Ҳаётда ота-онани йўқотишдек баҳтсизликка учрагани етмасмиди. Тақдирнинг яна қандай

жабри жағфоси бор эди. Бирдан-бир умиди, ушалмаган оразу-лари Сиздан эди-ку, отажоним!

Хөвлимиизда уч түп марвартак тут бўлиб, ариқ бўйига эса қатор қора толлар экилган эди. Мен учун бу дарахтлардан ҳам азизроқ ва мўътабарроқ нарса йўқдир. Улар нимаси биландир хотирамдан ўчмас бўлиб жой олган. Ҳа, айтганча, ёдимдан кўтарилий лебди. Бизницидан учта кўшниникига дарча (эшикча) қўйилган эди. Айниқса, рамазон кунлари қўшнилар бир-бирларини уйротар, иложи бўлса бирга саҳарлик қилишар эди. Бу бағри кенглики, ёки хайр-саҳоватми? Бу меҳроқибат деган тушуңчанинг олий белгисими? Қандай яхши замонлар, қандай яхши одамлар бўлган экан-а!

1958 йил 3 февралда дадам (амаким) мулла Умарали вакфот этди. Дадам дағн этилган қабр билан ёима-ён қабрга энам борди. Ажаб, бу қабрга 20 кунгача ҳеч ким қўйилмади. Онам анча довюрак эканми, қабрга бир дарахтнинг томиридан сув томиб турганлигини анча вақтгача айтиб юрди. Бу не сир? Бу кавсар сувимикин? Ёки жаннатдан даракмикин. У дунёда ҳам боласи билан қўшни бўлиб, унинг гам-андуҳи ва роҳатига шерик бўлишмикин?

Она ва бола 20 кун ичида мангаликка йўл олдилар. Ҳар иккита суюнган тоғидан айрилган ожизгина — Сиз, отажоним, қўзингиздаги ёниларни сездирмай артганларингиз, юрагингиздан ун чиқармай йиғлаганларингиз ҳамон кўз ўнгимда. Йигирма кун ичида она ва ақадан айрилиш, уларнинг мотамини тутиш, маърака ва турли маросимларни эл қатори ўтказишнинг ўзи бўлмайди-ку!

Ёдимда. Энам табаррук 97 ёшида вафот этганлиги учун унинг кўйлак ва рўмолларини одамлар парча-парча қилиб бўлиб олдилар. Ҳаммадан ҳам мен афус сайдиган нарса отин ойининг китоблари сақлаб қолинмади. Уларнинг ўлимидан кейин отам анча ёлғизланиб қолганига ўшаб қолди. Яхшиимки, бизнинг борлигимиз.

Орадан офтобли кунлару, ёмрири тунлар ўтди. Тарихда ўша турғунлик йиллари деб аталаған, шу билан бирга сержил ва романтик туйғуларга бой 1960 йиллар келди. Бағрикенглий, назартўқлий, ҳа, ҳа назартўқлий деяпман. Бу — шу йилларга хос туйғулармиди.

Баҳорнинг лойқа сувлари кузнинг тиниқ ва сокин сувларига алмашиб мен институтни тамомлаб, ҳаётнинг биринчи пилланоясига қадам кўйганимда, отажоним, Сиз оламдан ўтдин-

гиз. Қанотимнинг бир томони синди. Құшлар яримта қанот билан нарвоздаң қылолмагандай мен ҳам ярим күнгил бўлиб юрак олдириб қўйдим. Бунинг ўринини хеч нарса тўлдира олмайди.

Кемтикликниң күнлари бошланыди. Бу ярим кўнгилиниң орзу-ҳавасларини, шаффоғ каби нок туйғуларини ким ҳам рўёбга чиқаради. Мен ва укаларимнинг бўйнимиз қисилгандай бўлиб қолди. Рости ҳам шундай-да. Бу қадим оламда биздан бошқа гарибу нотавон йўқдай. Бизнинг баҳоримиз ва ёзимиз ҳам қишининг қаҳратон сопуқлари остида қолиб кетгандаи туюла бошлилади. Ногаҳонда келган бу совуқ ва музлар сира ҳам эримайдигандай, кўнгилиниң бир чеккасини музлатиб бошимизни ҳам қилиб қўйди.

Юраклари ғамларга тўлган отам, юраклари армонга тўлган отам. Ёруғ дунёга келиб, қандай ҳузур-ҳаловат кўрдингиз. Отларигача гард юқтирумасдан миниб юрган одам бирданига фалакнинг гардиши билан ожиз бир кишига айланиб қолса. Биз — фарзандларингиз кўзингизга нур, қалбингизга шуур бўлдик. Гарчи бўй-бастимизни, ҳусн-жамолимизни кўришдек баҳтдан бебахра бўлсангизда, буни Сиз ўтқир зеҳнингиз, зийрак фаҳм фаросатингиз билан ҳис қила олардингиз. Ҳассангизни дўқилатиб қўни-қўшиларникига кирсангиз, улар Сизни малол олмас, аксинча, доноларча ҳазил-мутойибаларингиз уларга хуш келарди. Ва шу ўринда Сиз ҳам уларнинг ташрифларига саҳийлик билан қарапдингиз. Ёш болалардан ўртоқларингиз жуда ҳам кўп эди. Айвонимиздаги сўридан дастурхонимиз узилмас эди. Кўшниларимиз: Ҳадича хола, Хайринисо, Ҳажалхон, Пўлатхон, Кимёхон, Шарофхон, Энахон, Фанижон тоғалар чойини ичар-ичмас бизнекига бир ташриф буюриб, сўнг ўз ишлари билан машғул бўлардилар. Чунки бу даргоҳнинг тупроғи хосиятли эди. Саҳийлик, хоккорлик бу хонадон соҳиблари учун авлоидан-авлодга мерос эди.

Ҳа, дарвоҷе, Турғунбуви деган аямиз маҳалланинг оёқ-қўли бўлиб тўйга ва бошқа маросимларга айтип, тўй эгалирининг ҳожатини чиқариш бу аёл учун муқаддас юмушлардан бири эди. Ана шу ҳалол меҳнати билан ўз ризқини териб еб, фарзандларини қаторга қўнди.

*Отиажоним йўқсиз эиди,  
Излаб-излаб қайга борай.  
Кўзларимда ёшлар тўйнди,  
Бу аламни кимга ёрай.*

*Қанотимнинг бир томони,  
Синиб күнглим вайрон қилди.  
Ҳаётимнинг ўйқ омони  
Ҳижронларга бардош қилди.*

*Наҳот унумт бўлиб кетса,  
У қадрдан ёргуғ кунлар.  
Вой оҳ десам, оҳ ўрнига  
Чиқар кўксимдан тутунлар.*

*Оҳларимни тунлар ютса,  
Гул баргида согинчларим.  
Дарёларда оқиб кетса  
Ярим кўнгил ўқинилари.*

*Шамолларниң қанотида  
Ушиб борсан топарманми.  
Фано даشتин равотида  
Мен бехабар ўтарманми.*

*Тунлар билан тилаб-тилаб,  
Сизни куриб тонглар отса.  
Кўрганнинг чип — бу отанг деб  
Вужудимда балқиб кетса.*

Ана гуллар, чечаклар юз очмоқда. Япроқлари шабнамдан таранг. Япроқлаги биллурий томчилар менинг кўз ёшлиларимдир. Жийда гули, олма гулини яхши кўрардингиз. Унинг ифоди дил ойнангизни мусаффо этарди. Бу баҳорий туйгулар, баҳорий кечинмалар ҳамиша қалбингизга турён соларди. Бу турёнлар, бу ботиний кечинмалар бизнинг қалбимизга мсҳриштафқат, инсоф, инсоний муҳаббат бўлиб ўтган бўлса ажаб эмас. Ўша ёз кунларидан ўргилай. Унинг ажиг бир лаҳзалари Сизни эслашдек буюк бир савобли ишга туртки бўлди.

## **ХОТИРА-МУХАММАС** **(Дўстлар хотираларидан)**

*Ўз қалбаши дағи этди шунда  
Байрон*

*Гўзал тушроқ узра қўйилди оқшом,  
Кундуз олар дам.  
Жўшиғин мушоири этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!*

**Зулфия**

Бу қалб хотираларидан олинган гавҳар сўзлардан иборат манзумани қандай бошласам экан. Курслопларимнинг дил изҳори бўлмиш қалб мулкларини ўз ўрнида қўллай олар-микинман. Қани бир уриниб кўрайчи. Бу инсонларнинг ўзлари гавҳар, сўзлари гавҳар эди. Келинг, муҳтарам ўкувчим. Курслопларим (дўстларим)нинг хотира-эсдаликларидан бир чимдим-бир чимдимдан келтирайин. Сиз ҳам мириқиб ўқинг. Зоро, яхшилик ва эзгуликни бирга баҳам кўриш — бу инсоний фазилатнинг нооб намунасиdir. 1960 йиллар ёшлиарининг дунёқарашлари қандай экан?

*Қайга назар солмай кучингни кўрдим,  
Тингладим меҳнатшиг симфониясин.  
Ранго-ранг пардашинг оҳангларида  
Элинг ҳаётиниҳи ҳар сонясин.*

**Зулфия**

Қаерга назар солмайлик, киниларимизнинг қуриш ва яратиш билан банд эканини кўрамиз. Кунимизнинг ҳар бир дами ғанимат. Унинг ойи, күёши, юлдузи нақаҳар қадрли. Унинг улкан-улкан дарахтларидан тортиб то оддий гиёҳларигача ноёбdir. Тун кетидан тонг, кун кетидан тунлар бирин-кетин ўтаверади. Уларни кўришга мушарраф қўилган Ашюҳимга шукроналар айтиб яшапнимиз керак.

*Хаёлда ҳам боғламадим тақдиримизни,  
Умид тутуб юрагимга бермадим совуш.*

*Севган каби ойдии түнни, қуёш, денгизни,  
Телбалајча эрка севдим билмайши иолши.*

*Ошланганиң раши, мени, қарғаши бекор,  
Лаънатлаши бекор гүё мен офат, бало.  
О, қўрқманглар, дарчадан ҳам боқмайман қиё,  
Янглишиб ҳам кўчангиздан ўтмайман зиндор.*

Сильва Капутикан

Тонгнинг насим эртасидай сўлим ва беғубор болаликнинг гўзал сонияларини эслатувчи, сўнгра олтин даврнинг унутилмас лаҳзаларидан сўзлагувчи бу сўзлар жонга роҳат, дилга ҳаловат. Зеро, ҳар бир сўз Аллоҳнинг каломи. Сўзнинг кучи, қудрати бекиёс.

*Лекин юрак! Юрак солса дод,  
Фарёд чекиб чақирса сени.  
Қалб додига қайда бор имдод,  
Қандай кесгум қалбим тилини?*

Ажаб! Муҳаббатнинг кескир тиёларидан қалби садпора бўлган дугонажоним-а...

Сўз садаф бўлса агар, садафда дур янириндир, — деганларидек. Сизнинг сўзларингиз ўз жозибасини дийдор ойнаси бўлиб кўз-кўз қиласди.

Вафо ва садоқат, хижрон ва бевафолик бир-бирига яқин тушунчалардир. Аслида бевафони ҳеч ким ҳам ёқтирамайди. Мен бу ўринда курсдошимиа Каримжон Дехқоновнинг қўйидаги сўзларига сидқидилдан қўшилган ҳолда: «Бевафони шоирлар кўп ёзишган. Мен шоир бўлмаганим учун вафони ёздим. Чунки вафо ҳам бевафо билан бирликда яшайди».

Ростдан ҳам шундаймикин-а! У киши давом этибдилар: «Ҳаяжонли дамлар ноёб топилмадек аҳён-аҳёнда бўлиб турар эмиш. Ҳар бир кишининг ўз характеристи, ўз мушоҳадаси, ўз эътиқоди бўлади. Демак, инсон характеристи қайтмас, такрорланмас ноёб нарсадир. Шуниси қизиқки, бир кипи иккинчи кишининг характеристини ўзига ёқтиради. Ўша кипи билан такрор гапланиса ҳам, яна гаплашгиси келади. Хуллас, бундай шахслар билан яшаш кишига ҳузур-ҳаловат беради».

*Жаҳонда нечалаб ўтган ошиқлар,  
Мұхаббатин ыңғаса келтириб бирға.  
Менинг сенга бўлган ишқимнинг дилбар  
Тенг кела олмагай юздан бирига.*

*Гүё чексиз юлдуз бирла ой бўлиб,  
Бир нур ҳосил қиласа фалак қўйнида.  
Офтоб зиёларин чексизга бўлиб,  
Бирига қўйсангиз тенг келмасидай.*

**Фигон**

Мазкур калом ҳаваскор дўстингиздан ҳавола. Ширин ёшлик лавҳалари мудом кўнглингизга зиё баҳш этгай. Бирга кечирган шод (қисқа) тўрт баҳоримиз хотиротлари минг нав достонлардан ҳам мўътабарроқ ва азизроқ эмасми. Шоира дўстим. Мен учун сўзсиз шундай. Сизга истак, орзуларим уммон! Энг мўътабар мақсадингизга комрон бўлинг! Мангу омонлик тилаб, дўстингиз Ҳакимбек!

Оббо куюнчак Ҳакимжоней! Айни ўна пайтлар Ҳазрат бо-бомиз Заҳирилдин Мұхаммад Бобур ижодига тақлид қилиш, ўша давр одамлари дай сўзлашга интилиш гуруҳимиз талабалари орасида урф бўлган эди. Шу билан бирга биз, талабалар, катта-катта романларни ўқицдан ташқари арман қизи Сильванинг самимий, дардчил, сўлим шеърларини, авар қизи Фазу Алиеванинг мусиқий ва ширин шеърларини ёд олип би-лан бир қаторда ўзбек шоиралари Зулфия, Саида Зунунова шеърларини қон-қонимизга, бутун вужудимизга сингдириб олган эдик.

Имтиҳон олди ҳаяжонлари, кўрқувлар... Имтиҳонга тай-ёргарлик орасидаги ҳазил-мутойибалар... Гуруҳимиз талабалари бир-биримиз билан аҳил ва иноқлигимиз... О, буни таърифлашга қалам ожизлик қиласи. Бу нарса айниқса, пахта даврида билинар эди. Шаҳарлик қизаларнинг бу соҳада «эпчилигини» айтмайсизми...

*Қай кунки бўлди бу кўнгил ҳуснини воласи,  
Шул кун ёзилиди севгининг лавҳи рисоласи...*

Пахтазор узра тараляётган бу қўшиқни дугонамиз Манзу-рахон Ҳасанова кўйлаяптилар. Унинг оромижон бу қўшиғим

бир лаҳза бўлса ҳам ёш қалбларга муҳаббат оловини ёқар эди. Кўшиқ сехри билан ҳар бир чаноққа неча маротабалаб бориб келаётган қўлларимиз чарчогини унугар эди.

Даладан қайтар эканмиз, кўчаларни тўлдириб (асфальт йўлнинг ўртасига тушиб олиб) биримиз кўшиқ айтар, яна биримиз эса ўз фикр-мулоҳазаларимизни ёнимиздаги шеригимизга тушунтиришишга ҳаракат қиласр эдик. Агарда машинада қайтадиган бўлсан, Тўхтасин Мирзасев бошлиқ тўғарак аъзолари «Нафосат» даврасида (ўша пайт Ўзбекистон радиосида «Нафосат» номли адабий эшиттириш берилар эди) менинг ижодимни мадҳ этишар па шу аснода дикторлар: Туйгуной Юнусхўжаева, Қодир Маҳсумовга ўхшагимиз келиб қоларди. Ёшликка ҳамма нарса ярашаверяр экан.

Иккинчи босқичдан учинчى босқичга ўгар эканмиз, бизни ёзги болалар дам олип лагерларига юборадиган бўлипиди. Гуруҳимиз таъбалари бир овоздан курсдошимиз Абдуаҳад Жўрахоновнинг (Ҳозир Андижон Давлат университетидаги ўқитувчи) қишлоигига — (Бу Наманган вилоятининг «Косонсой» туманида) борағиган бўлдик. Буни қаранг-а. Андижон шаҳрида ёки бошиқ туманларда лагерлар йўқими. Бунинг ҳам ўзига хос сияти бўлса керак-да...

Юқоридаги сатрларни қоралаяпману, кўз олдимда дилбар ва дилором, хушхулку хушифеъл дугоналарим, қалблари беғубор, соғдил курсдошларим намоён бўлмоқдалар.

Оқибатхоннинг иродалилиги, Ҳабибаҳоннинг вааминлиги, Кимёҳон ва Фаридаҳонларнинг оналарга хос фикрларини (булар синфдош ва мактабдошларим), Холнисонинг ўйчан туришлари, Турсунойнинг мунгли кўшиқлар ошиғи эканлиги, Шарофатхон ва Азизаҳонларнинг пок севги эгаси эканликлари кўнглимда эҳтирос алансини ёқадилар.

Эрганихон, Матлубаҳон, Санобархон, Мунаввархон (Света), Майизхон (Муаззамхон)ларнинг сарв қоматлари, Ҳанифаҳон опанинг адабиётимизда ўз ўрнини топиб, фан доктори унвонини олиши менда фахрланиш туйғусини уйғотмайдими...

Ҳаётдан эрта кўз юмган, қалбимизни кемтик қилган дугонашимиз Тожихон (Илтижоҳон)ни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Мен шу ўринда яна бир нарсага фикрингизни тортмоқчиман, азиз китобхон. Косонсойдан келган Одилжон ака Долимовни курсдошларим: Абдуаҳад Жўрахонов, Одилжон (гуруҳимиз сардори, ёзувчи Мухсин) Олимов, Зайлобиддин Жалолов, Давлат ака Воҳидов ва Қурбон Ҳуррамовлар ижирган-

масдан, юракларининг тўридан меҳр бериб, етаклаб юардилар. У кишининг охирги парталардан бирида игна билан тириқ-тириқ этиб, ёзиб ўтиришлари гавимизни келтирмас эди.

Шу тариқа тўрт йиллик баҳор ва ёзимиз умримизнинг энг сермазмун маъноли йилларидан бўлди. Ўша пайтдаёқ мана шу сонияларнинг қайтиб келмаслигини ўйласам юрагим орзиқарди. Такрор бўлса ҳам ёзгим келди. Талабалик олтин даврининг пахта даври, айниқса, бир бошқача завқ-шаввққа эгадир. Бу даврдаги беғуборлик, поклик, илм билан меҳнатнинг эгизак эканлигини англаш, ҳар бир гўза баргига сингиний кетган ёшлик сурuri, матонатли меҳнат каби туйгулар дилларга ҳамroz эди.

Даланинг овқатидай мазали ва тотли овқат бўлмаса керак. Макарон шўрвалар, иссиққина ёнилган ловош нонларнинг таъми ҳануз оғизмда.

Қишлоқ хонадонларидан сут, қатиқ, қаймоқ, нон олиб чикиб ер эдик. Узум, беҳи каби мевалар ёки полизда нима экилган бўлса ҳеч ҳам тортимасдан сянерардик. Бу ҳолатни нима деб аташ мумкин. Одамларнинг одамларга бўлган меҳри шунчалар бекиёсмиди. Нечун улар қўнгли торлик қилмадилар. Тасаннолар бўлсин уларнинг меҳрибонлигига!

Поёни йўқ пахтазор. Йўл четларига экилган тут қаторлар. Илҳомингни оширувчи қадди-қомати келингган мирзатераклар.

Узоқлардан бошига оқ салла ўраган мўйсафиддай кўринувчи викорли тоғлар. Гўдақдек талпиниб оқсан сойлар. Ҳу қирдаги жийда гули. Кеч кириши билан чигирткаларнинг тинимсиз чирилланшлари. Бузоқчаларнинг оналарига талпиниб маърашлари... Қишлоқ аёлларининг фидокорлиги...

Буларнинг ҳаммаси шу давр «Бахтнома»сининг лебочаси эди.

## **Н И Д О** *(Ўзбекистон Халқ шоираси Зулфияхонимни ёд этиб)*

1996 йил 4 ноябр душанба куни Ўзбекистон радиоси орқали Ўзбекистон Халқ шоираси Зулфияхоним ҳақида хотирот эшиттириши берилди. Эшитдиму, тислим лол қолди. Асли пешонамда йўқ экан. Шоира билан учрашиб, суҳбатига мушиарраф бўлишлик. Эҳ, тортинчоқлик. Ахир ижод гулшанига Сизнинг шеърларингиз орқали кириб келганиман. Сизнинг ҳар

бир сатрингиз, ҳар бир китобингиз ёд булиб кетган. Бир осмон тагида, бир замонда яшаб туриб учрашмаслик... Буни нима деб тушунмоқ керак. Ҳаммасига сабаб менинг тортиңчоқлигим. Ахир хоки пойингизни тавов қилип ниятим бор эди. Лекин яна қайтараман, тортиндим. Чунки Сиздайлар билан учрашмоқлик, сұхбатингизни олмоқликнинг юки нақадар оғир бўлса керак. Ҳа, ҳамон ёдимда. Ўшанда мен Андижон Давлат педагогика институтининг З-босқич талабаси эдим. 1965 йил 50 ёшингиз мунособати билан бўлган учрашувда Сиз билан рўбаро туриб суратга тушиган эдик. Ўшанда Сиз суратга тушиётib, «Қимнинг шеърларини яхпи кўрасиз?», — деган эдингиз. Қани энди менда тил, забон бўлса. Ахир Сизнинг шеърларингизни жон-дилим билан севиб ўқийман, дейишлик қўлимдан келмади-ку.

Институтимизда бўлган юбилей кечаси ниҳоятда тантанали ўтган эди. Менга яратган Эгам Сиз ҳақингизда шундай илоҳий бир меҳр-муҳаббат берганки, буни бошқаларга ўхшаб түкиб солгани журъатим етмадим шекилли. Сизнинг гўзал чехрангизни ойнаи жаҳон орқали кўрсам, ёки ҳеч кимда йўқ бетакрор товушингизни радио орқали эшитиб қолсам, ўша ерда шамдай қотар эдим. Бу сўзларимда зарра бўлсин муболага йўқ.

Кўп йиллик муаллималик фаолиятимда жуда кўп шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва ижодларини ўқувчиларим онгига етказиб бордим. Шу билан бирга дарс режамда Сизнинг ҳақингиздаги мавзуга наанбат етса, мен учун жуда катта тантана, бошқача ихлос дарси бўлар эди. Болаларга дарслидан ташқари маълумотларни берар, ўзим ҳам Сизнинг шеърларингиз орқали ижод гулшанига кириб келганимни такрор ва такрор айтар эдим. Хуллас, ўқувчиларим қалбида Нодирабегимдан кейинги буюк шоира ҳақида ихлос ва ҳавас уйғотар эдим.

— Сизнинг ҳақингизда номзодлик диссертациясини ёқлаган олима муаллимамиз Галима Мусина (домламиз олим ва шоир Набијон Қобуловнинг оиласи) билан жуда кўп сұхбатлашар, у кишидан кўпроқ эшитгим келар эди. Тошкентда ўтказилган юбилей тантаналарингизда қатнашган аямиз бир олам күнонч билан келиб, бизга сўзлаб берган эдилар. Ва менга қараб: «Сизнинг табрик телеграмманигиз ҳиндистоиликларнинг телеграммалири билан бирга тахланди. Музайяна Алавия эса Сиз тўғрингизда шоирага сўзлаб берди», — деганда бу дунёга сифмай кетган эдим.

Сиз жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар, кўплаб мамлакатларда бўлдингиз. У ер одамларининг ҳаётини шоир кўзи билан кўриб,

халқингизга ажойиб шеърий-гулдасталар ҳадя этдингиз. Уларнинг намунаси ўлароқ: «Қозогистон ўланлари», «Мушоира», каби асарларингиз бошқалар қатори элингизнинг дил-дилидан жой олган, саратон офтобида чанқорини қондирған кипидай. Сизнинг шеърларингиздан ўзларининг маънавий әхтиёжларини қондириб келмоқдалар. Бунинг учун тасално айттим келади.

Катта шоирлар орасида ўтиришингиз нақадар ёқарди менга. Турли мамлакатларда ўтказиладиган ўн кунликлар... Ишчи ҳайъатидан күэларим Сизни қидирарди. Іўриб ишонч ҳосил қилгач, ўзимда йўқ бошқача ҳис-туйгулар билан ўтириб томонша қиласр эдим, ҳамда ҳавасим келар эди. Болгар дўстларингиз даврасида сўзлаган нутқингизни тинглаётган (радио орқали) пайтимдаги суратим мен учун дунёга алмашиб бўлмайдиган бойликдир.

Шеърга сигмаган бу сатрларни қайларга сиғдирай, умрбод кўксимда сақлааб кетолмайман-ку!

*Шаҳрим кўчасидан мен шод бораман,  
Катта ҳаёт қайнот, сершовқин, гавжум.*

Сатрларини қайта-қайта ўқигим келади. Чунки бу сатрларни тақоррлар эканман, қалбимда қандайдир илҳом, ҳаётта ишонч, шаҳримга, турилиб ўсан юртимга нисбатан бекиёс меҳр уйғонгандай бўлади.

*Онам меҳр тұла дил амири билан,  
Ухла, деб сұндириб кетди чироқни, —*

матлаъли шеърингиздан олган таассуротим асосида ёзилған «Елқин» номли шеърим 1965 йили вилоят газетасининг 19 январ сонида босилиб чиқди. Бу қувончни нима билан алмаштириб бўлади.

## **ЕЛҚИН**

*Ойдин кеча ҳалмаёқ сокин,  
Фақат мен-у, қаламым уйгоқ,  
Баъзан фикр очилар гулдай  
Қоғоз узра боқаман узоқ.*

*Енар чироқ, ёнар күзларым,  
Сұзлашаман мисралар билан.  
Гоҳ қураман шеър анжуманын  
Самодаги зүхралар билан.*

*Боқар шириң табассум ила,  
Деразамдан жилемайиб онам.  
«Бир оз дам ол, үчир чирогинг  
Тонг отади ҳадемай, болам».*

*О, онажон билсанғиз эди,  
Юрагимдан нелар кечгашин.  
Енар юрак ҳамон излашда  
Сезмам ҳатто түннің үтгашин.*

*Онам күнгіш таскын топсын деб,  
Үшірдім мен чирокни шу өз.  
Аммо ёңған юрак машыларын  
Бұлмас экан сұндириб мұтлоқ.*

Шундан бери орадан жуда күп йиллар үтди, шеърларим бириң-кетин газета ва журналларда босилиб турса-да, китоб қилишга имконият бўлмади. Очири Тошкентга қатнашни билмадим. Яна қолаверса, мактаб ҳаёти, уйда болалар... Билмадим, рўзгор деб аталмиш буюк тузум ўзига қаратиб олдими ёки бошқа шоира дугоналаримдаги қатъиятлик, матонат етмадими, бу лардимнинг чораси йўқдай туола бошлади. Яхши-ямки, мустақиллик кунларини кўриш насиб қилган экан, менинг ҳам китобларим дунё юзини кўра бошлади. Не умидлар билан бу китобларни ёруғ юз билан Сизга совға қилмоқчи эдим. Эҳ, бевафо дунё!

Дилимнинг туб-тубидан ички бир нидо келмоқда. Бунга қулоқ солмасликтининг ҳеч иложи йўқ.

## **ОТАМ ВА ОНАМ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР**

*Суратлар, сураттар, суратлар...  
Укам, синглшім, онам, отам ва мен...  
Үртөқларим...*

**Ажаб түйгулар... Гоҳо ғашлик, гоҳо шодлик, гоҳо армонли түйгулар...**

Буларни курсам кишикларим остида дона-дона марваридилар пайдо бўлади. Эътибор қилмайман. Томонга қилишда давом эта-ман. Аммо ичимда бир хўрсишини отилиб чиқади. Унга ҳам парво қилмасдан суратларга бир-бир разм соламан. Ҳалиги хўрсинин ёнга айланиб дафтарим юзига бирма-бир юмалайдилар.

Ҳа, сенлар мени ҳеч холи қўйишмадинг деб тўйгунимча улар билан дардлашаман. Бир оз фурсатдан кейин улар ҳам, мен ҳам енгил торгамиз. Кўзлар андак қизаргандан кейин хўрси-ниб-хўрсиниб нафас олиб, нега, қандай қилиб деган саволлар куршовида қоламан.

Онамнинг муnis чехраси. Отамнинг беғубор қиёфаси бир-ма-бир кўз ўнгимда намоён бўлади. Яна кўз ёши, яна хўрси-ник. Мени булар ҳақида арзирли бирор нарса ёза олмаслигим қийнаётгандир. Кўз ёшларим, ўтинаман сиалардан. Мени бир дам холи қўйинг. Мен уларнинг таъриф ва тавсифини толиб олай. Ана уларнинг бири меҳр билан боқиб турибди. Бири эса ҳолимни сўрамоқда. Менинг ҳолимни булардан бошқа ким тушунади, дардимга ким дармон бўлади.

Онажон, отажон, ўғил-қизим бўйига етди. Маслаҳат беринг. Адапиб қолмайин. Бу болаларнинг ҳаммасига Сизлар-нинг назарингига тушган эди. Сизларнинг доно ўйтгларингиз роса керак бўлди. Ёки Сизларни унугиб қўйдимми? Асло...

Ўйлайман... Булар қандай қилиб, ўғил-қизларига сеп-си-дирга қилиб, ўқитиб, яна қолаверса, уларнинг ўз тенгини то-ниб, ўйлаб-жойлаган экян. Бу сўзлар бир қарашда жуда од-дий ва эриш туюлади. Аммо унинг замирида бекиёс меҳнат, муҳаббат ва садоқат ётади. Оталик, оналик меҳр-муҳаббати бор бунда. Уларнинг муҳаббатлари биздан болаларимизга ўти-микин? Бўлмаса топган дунёйимиз фақат болаларимизга де-мас эдик чори. Тўғри, уларни ҳам ҳайит-байрамларда йўқлаб турамиз.

Оҳ шунинг ўзи кифоя қиласмикин? Ўйлайман... Ўйларимнинг поёни йўқ. Ўйларимни чексиз даляларга ирритгим келади. Яна акс садо келади. Менинг ўйларимдан баланд тоғлар кичрайгандай бўлади. Ўйларимни адирлар зангор тўнлари остига яширгандай бўладилар.

Ўйларимни дарёлар турли ирмоқларга бўлиб юборади. Шунда биттаси дарё қирғоридаги дараҳт шохига илиниб қолади. Булар мени асло тарқ этмайди. Булар бири отам, бири онамдир.

Оқин дарё, оқар дарё ўйларимдай тошқинсан жуда. Сўзларим шу ерга келгач, ниҳоя тоғди шекилли, қуйидаги мисрани ёзгим келди:

Йиллар — бу армонли, азалии йиллар.

## ҚЎМСАШ

Болаликнинг қайтарили мас онлари! Оҳ, шунчалар сўлим ва беғуборсиз! Сизнинг ҳар бир дақиқан гизнинг баҳоси йўқ! Жажжи қизалоқлик давримиз, онамиз жамбалак қилиб ўриб кўядиган соchlаримиз жуда-жуда ярашарди. Бекинма-коқ, лапта ўйини! Эҳе, қўйингки, буларнинг ҳаммаси бизни катта ҳаёт сари етаклади. Бизнинг болалигимиз 1950 йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Бу йилларни ажиб бир сархушилик билан, ички туён билан эслайман. Бу йилларни эслаганда, ариқларда ҳалол ва зилол бўлиб оқаётган сувларнинг товупи қуловимда шивирлагандай бўлади.

Мактабимизни оралаб қадимиий Хўған ариғи оқар, бунинг ирмоқлари турли ҳовлиларга тарқалиб кетар, ҳар бир хонадон эгаси ариқларни тоза тутар ва бу қонуний ҳолга айланиб қолган эди. Эсиз, бу онларнинг қадрига етиб-стмадикми дейман. Ариқлардан минг жилва билан оққан бу сувларга гуллар, олмалар, нонлар оқизардик. Айрим вақтларда йўлим Хўтан ариғи томон тушиб қолса, хижолат бўлиб кетаман. Чунки анҳорлан истаган нарсангизни топасиз. Наҳотки, шундай улкан Фарғона каналини қурган ота-боболаримизнинг авлодлари — биз шу оддий анҳорни тоза тута олмасак. Анҳорнинг бу қадар ахлатлар билан тўлишига ўзимиз айбормиз-ку!

Онам ҳар доим бизнинг кўчадан Хон ўтган деб фахрланиб кўяр эдилар. Беморлар анча-мунча дардларига шу кўчанинг

бошига чиқиб, ирим-сирим қилиб, даво тонар әдилар. Ариқ-чаларда кичкина-кичкина чархналақлар ясаб, оқизоқ ўйнардик. Бу ўйинларни ҳозирги болалар билармикин дейман? Унинг шавқи ҳам, завқи ҳам бошқача бўлади-да. Эрта баҳорда ариқ бўйларини турли гиёҳлар қоплар, момақаймоқларнинг сутига хуштор бўлардик. Далаларда кўм-кўк гилам ёзишини билан маҳалламиз охиридаги ўриқзор-бөғдан турли ўт-ўланлар тे-риб келар эдик. Бизнинг бола қалбимизга оддий шу гиёҳлар илҳом ва ҳавас солган бўлса ажаб эмас. Ҳозирги болаларга қараб буларнинг қалбидаги қандай нарсалар мухрланиб қолар экан, булар ҳам шундай покиза ва беғубор ҳис-туйгулардан баҳраманд бўлармикин деб ўйлайман. Яқинда тақдир тақозоси билан катта шаҳарларимиздан бирига бордим. У ердаги муаззам иморатлар, сарангжом-сариштга кўчалар менда бир ҳиссиёт қўзгата олмади. Аммо шу шаҳарнинг эски маҳаллаларидан бирида сақланиб қолған кичкинагина ариқча, унинг бўйидаги гиламдай ястанган ажриқлар дилимни ёнтиқтириди ва сархуи қилди. Бу балки бир томонлама тушунчадир. Айтмоқчиманки, инсон болалигидан бошлаб табиятга ошуфта булиб тарбияланishi, ўзи яшаб турган жойини асраб-авайлаши даркор экан. Бир сўз билан айтганда, инсон боласи нозик ҳиссиётлар соҳиби бўлиб ўсимни, бу нарсалар одамга гўдаклигидан умрининг охиригача ҳамроҳ бўлмоги керак экан. Баҳор келиши билан дараҳтларнинг шоҳларига инлар алоҳида бир меҳр ва мұҳаббат билан ясаб илинар, ёз бўлса, ҳовлиларимиз анвойи гуллар ва райҳонларнинг муалттар ҳидига тўлар, саҳарда булбулларнинг қилған хонишлари юракларни алланечук туйгуларга ҳамроҳ қизлар эди.

*Боққа кирсан, бодга булбул нола-ағғон айлади,  
Холши сурсам ушиғ кўнглиши вайрон айлади.*

Ховлимиздан уч-тўрт эшик нарида каттагина боғимиз бўлар, бу ерда турли мевалар ўсар, бөғдан олинадиган ҳосил қўни-қўшниларга улашилар, қолгани эса томларда қоқи қилинар эди. Ажаб даврлар бўлган эканми? Оиласизда ҳар йили сумалак пиширилиб, Наарўз байрами қилинар, мен эса эрталаб сумалак тарқатишни жуда-жуда севар эдим.

Ҳайит-арафа кунлари оиласа аъзолари ширин сўз, бурунгидан ҳам хушмуомала бўлиб қолар, оналаримиз тақдир ва ўзоқ-бони, тикув машинаси олдидан бўшамас, арафалик ошлар

тарқатиб бўлингач, қўлларимизга хина чаплаб ухлаб қолар эдик. Эрталаб янги сарноларни кийиб, кўчага отланардик.

9-11-синф қизлари саф-саф бўлиб, боққа (Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат бояни) сайд қилгани борар, шу йиллари очилган фаввора биз учун катта сайдроҳ эди. 1962-63-йкув йили шаҳарда биринчи бўлиб ўкувчилик йилларининг сўнгти «Оқ тун»ини домламиз — шоир Низомжон Умаров бошчилигидаги ўтказгандик. Хуллас, болалик ва ўсмирлик нинг беғубор сонияларини бошимиздан кечирав, яхши ҳаётта ташна қалблар оразулар уммонига гарқ бўлган, ҳаёт ўз романтикаси билан бизни турли жабҳаларга чорлар эди.

Мактаб ҳаёти. Мактаб остонасини унугдиган ўкувчи бўлмаса керак. Мактаб ота-она даргоҳидан кейинги иккинчи тарбия ўчори, билим маскани эмасми? Бу йилларни, бундай шод ва ношод дамларни қандай қилиб унугтиб бўлади? Мактаб партасида ўтириб, сурган хаёлларимиз, аҳил ва иноқлигимиз ҳамманинг ҳавасини келтиради. Заҳматкаш муаллимларимиз: Робияхон Сафарова, Хадичахон Эрматова, Роза Зияевна Еникеева, Низомжон Умаров, Тамара Николаевна Гурова, Рӯзихон Нипонолова-ларнинг қилган меҳнатлари зое кетганий ўй. Улар бизни одамийлик ва инсонийлик қўчаларидан тўғри олиб ўтдилар.

Сўлим ёз ойининг фараҳбахш кунларидан бирида етуклик аттестатларни кўлга олиб, барчамиз турли жабҳаларга отланардик. Билимга ташна қалбларнинг жуда кўпчилиги олий ўкув юргуларига равона бўлдилар. Нақалар оддий ва содда эдик. Соchlар майда, бошимизда оқнап дўппи. Ўзимизча бир дунё эдик. Руҳимизга фақат яхши ўқини керак деган фикр сингдирилган, очкўзлик, қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш, қимматбаҳо нарсаларга ўчлик ўй эди. Борига шукур қилиш қандай яхши нарса. Унинг замирида бир олам маъно ётади. Нега дейсизми? Сабр-қаноат устунлиги учун синфдош дугоналар ва йигитлар театр фойсалари ва қўчаларда бемалол сайд этар, маданий ҳордиқ чиқариб, ёшликнинг қайтарилишас онларини, хушиул ламларини ўтказар эдик. Бир-биримизга, ота-оналаримиз эса бизга ишонар эдилар. Ишонч энг бебаҳо гавҳар эди. Ҳаммамиз уни ўйқотиб қўйишдан чўчиб авайлардик-да.

Асли пойдевор мустаҳкам эканми, ёки олий ўкув юргуларида ҳақиқат ва адолат барқарор эканми, бир синфдаги 33 нафар ўкувчиidan 24 нафари олий ўкув юргуларида ўқидилар. 4 нафар синфдош қиз эса бир факультет ва бир гуруҳда ўқиш баҳтига мушаррафа бўлдик.

Аттестатлар қўлимизда. Гўё биз энди бутунлай бошқа олам. Гўё хоҳлаган томонга қўлимизни чўзсак етадигандай. Тўрт-беш дугонам жам бўлиб, оналаримизни бир амаллаб кўндириб, Андижон Давлат педагогика олийгоҳининг филология факультетига ҳужжатларимизни топширилди. Имтиҳонлар оралигидаги имтиҳон тоширирадиган фанлардан консультациялар бошланиб кетди. Биринчи имтиҳон иншо. Ҳали биз ҳужжат тоширмасдан туриб бу куллиётда Офтобхон Холботирова, Галима Мусина сингари талабчан, қаттиқўл ўқитувчилар бор деб эшитгандик. Аммо мен бу ўқитувчиларим сиймосида фақат яхшилик ва эзгуликни кўрдим. Уларнинг қаттиқўл ва талабчанлиги, ҳалоллиги шунда эдик, улар бор куллиётда шарм-ҳаёб, одоб, андиша жуда юқори даражада эди.

Биринчи имтиҳон иншо дедим. Аудитория тўла болалар. Ҳамма ҳаяжонда. Ҳар томондан келган қизлар, йигитлар бир-бирларига зимидан боқишар, бир-бирларининг ички дунёсини тезроқ билиб олишга ҳаракат қилишар эди. Домламиз Азимжон Тургунов иншо мавзуларини ёълон қилди. Мен Садриддин Айнийнинг «Куллар» романи ҳақидаги иншони ёздим. Бир неча кундан кейин иншо баҳолари ёълонлар таҳтасига чиқарилди. Кимлар севинган, кимларнинг руҳи тушган. Иншодан муваффақиятли ўтиб олгач, навбатдаги имтиҳонга тайёрлана бошладик. Она тили ва адабиётдан оғзаки имтиҳон. Имтиҳон олди ҳаяжонлари... Вақти келиб кечга қадар овқат смаган кунларимиз ҳам бўлди. Аудитория элииги очилиши билан ҳамма дув этиб чиққан одамни ўраб олар, ҳол-аҳвол сўрар эди. Муваффақиятидан қувонардик, аксинча бўлса ачинардик. Шундай қилиб, қатор имтиҳонлардан ўтиб олгач, нафбат саралаш комиссиясига келди. Буниси қанақа бўлар экан деб кутиб турсак, бир бўлајак домла мен ва яна уч абиғуриентни қабул комиссияси ёнига етаклаб олиб кирди. Ҳонада қатор фан ўқитувчилари, институтимиз ректори Гани Холматович Абдуллаев ўтирибди. Ректор: «Имтиҳонларни муваффақиятли тошириганингиз учун олийгоҳимизда чет тили кулиёти очиляпти. Шунга биринчи сизларни таклиф қилишни лозим тоғдик. Рози бўлсангиз хоҳлаган куллиётга ўтсангиз», — деди. Кейинчалик гуруҳдоп бўлган ўртоқтарим рози бўлмадилар. Навбат менга келганда, шеърлар ёзишимни айтсам, домла қувониб кетди ва ёнидагиларга русчалаб: «О, она пишет...», деб мақтаб кетди. Омадни қаранг, ҳар уч куллиётдан хоҳлаган

бирига кириш... Қанчалар баҳти қулған ёшлар эканмиз. Шундай қилиб олийгоҳга ҳам қабул қилинди.

1 сентябр! Олий даргоҳнинг муборак останаси. Қанчалар орзу-умидлар билан келган ёшлар. Юраклар тұла ҳаяжон. Қалблар тұла ишқ өтән. Покиза мұхаббат. Билемінде чанқоқлик. Самимий севгиге ипонч, барқ урады юзларимиздан. Бизнинг күллиётта фақат 25 бола қабул қилинди. Лекциялар баъзан бошиқа гурухдагилар билан күшиб олиб борилар, улар ҳар ҳолда институттегі бир йил аввал келгандарды учун институттинг ўнг, сўлини яхши билдишар эди. Биз эса гурухдошлиримиз билан аста танишар эканмиз, пахта мавсуми ҳам келиб қолди. Паҳта далаларида меҳнат қила бошладик. Баъзан йўлимиз юқори курс йигит ва қизлари билан бирга бўлиб қолса, уларнинг адабиёт, шоирлар ва ёзувчилар ҳақиқидаги фикрларини эмптиб, ҳанг-манг бўлиб қолган кунларимиз ҳам бўлиб қолган. Зоро, мақтаб партасини эндигина тарк этган болага бундай фикр ва тушучалар албаттада ажабланарли ҳол бўлур эди. Шундай одамлар билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр бўлиш мен учун катта баҳт эди. Зотан, ҳар биримизнинг фикр ва мақсадимиз ҳам адабиёт оламини яхшироқ билиш, ўқиши, ўрганиши эди. Кундузи паҳта теримидан сўнг кечкурун турли газеталар чиқарилар, уларда илорд талабаларнинг номлари фахр билан тилга олиннар, айримлари эса танқид қилинар эди. Ёшлик эмасми... Баъзан ўзбошимчалик қилиб домлаларимизни ранжиттан онларимиз ҳам бўлар эди. Бир куни паҳта теримидан сўнг кечкурун гуруҳимиза студентлари билан кинога борибмиз. Бизга домламиз — шоир Восит Саъдулла раҳбарлик қиласа эди. Домланинг хавотир олиб орқамиздан боргани, гуруҳимиз етакчиси ёзувчи Одилжон Олимов (Мұхсин)ни роса урушгани сира эсимдан чиқмайди. Ваҳдолонки, күллиётта бизнинг гуруҳимиз аҳил ва иноқ бўлиб, ҳамма ҳавас билан қарап, айримларнинг расиши ҳам келар эди. Хуллас, ёшликтининг беғубор дақиқаларини гоҳ шоир ва ёзувчилар билан учрашудиларда ўтказар, гоҳ институт аудиторияларида ўзимиз ташкил қилған кечалар бағрида нишонлар эдик.

Йиллар ва ойлар шу зайлда ўтаверди. Кслажакда биримиз фан доктори, биримиз эса етук шоир ёки ёзувчи бўлгимиз келарди. Бу орзулаге қисман бўлса-да эриниган бўлсак, бунда заҳматкаш муаллимларимизнинг меҳнатлари бесқиёсdir.

Домламиз Восит Саъдулланинг лекция пайтларида ўйланиб ўтиришлари мени ажаблантиради. Балки ўша онлардаги ўйла-

нишлари кейинчалик дунё юзини кўрадиган юзлаб разалларига замин бўлган бўлса ажаб эмас.

Улфатий (Имоиддин Қосимов) домлани айтмайсизми, у кишинг ювоилиги, соддатиги, классик адабиётимизни яхши билишилиги шундокқина нур ёғилиб турган чехрасидан сезилар, соддаликда, самимиликда домлага жуда-жуда ўхшагимиз келарди. Шундай кишиларнинг қимматли сўзларини тингланаш, улар билан ҳамсұхбат бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилмаса керак. Бу ҳам баҳт тушунчасининг бир қирраси бўлса ажаб эмас.

Студентлик ажойиб... Киши ҳаётининг энг қизғин, энг баҳтиёр даври. Бизнинг булоқ сувларида тиник, бокира, ҳамиша шошқалоқ ҳаётимизнинг доимий ҳамроҳи деканимиз домла Фатҳиддин Исҳоқов эди. Домланинг салмоқдор гаплари, доби, андишаси, шарм-ҳәйси ҳамиша бизга ўрнак эди.

Шоира Зулфия ижодининг билимдони, Музайяна Алавиянинг шогирларида бири Ғалима Мусина, Мақсад Шайхаода ижодининг мухлиси, ҳар гапида Шайх ака деб тургувчи шоир ва олим домламиз Набижон Қобулов, жуда ёшлигига фан номзоди унвонини олган домламиз Раҳимжон Алиев, араб алифбоси, форс-тожик тилини ўргатувчи устозимиз Хайрулло Умразоқов, Офтобхон Ҳолботирова, Шарифжон Соҳибоев, Абдураззоқ Расулов, Азимжон Тургунов каби домлаларимнинг номларини алоҳида эҳтиром билан тилга олгим келади. Чунки улар бизни ҳаётга тўғри йўлладилар, ўзларида ҳақгўй, синик қалб эгаси бўлишига ўргатдилар.

Мана шундай олижаноб устозларим борлигидан, улар билан замондош эканлигимдан бошим кўкларга етади.

Ҳаёт эса ўша тоза ҳаволар, самимият, ҳалоллик ва кенг қалбли инсонлар борлиги учун гўзал ва севимлиdir.

## БУНИ ҲАЁТ ДЕСАЛАР КЕРАК

Ўша мудҳин урушининг (Иккинчи Жаҳон уруши) охирларида Андикон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келдим. Ҳар сафар онам ҳақида бирор нарса ёзар эканман, негадир кўнглим тўлмайди. Онам ўлимининг армонлари бутун томирларимни куйдиради. Тўғри, «ота-она ўлмоқлик мерос», — деган ҳалқнинг нақли бор. Ҳар бир нарса ўз вақтида бўлсин экан. Ўшанда онажонимни ўйнатгани олиб бормасам, ўлмай

қолармиди. Эҳ, қисмат, қисмат! Бу сўзларни ёзяпман-ку, юрагим ҳолсизланяпти. Онажоним ҳақида ҳар қанча ёссаам, оз.

Сиз — онажоним Муҳаммад Ниёз қизи Муҳаррамхон 1925 йили Андижон шаҳрининг «Чинор таги» маҳалласида ҳунарманд-савдоғар оиласида дунёга келдингиз. Ота-онангиз барвақт вафот этгач, амакингизнинг ўғли Ҳафизхон ва момангиз Ширмонхон отин қўлида тарбия топдингиз. Етимликнинг азобуқубатларини тортган Сиз — онажоним жуда оқила, пазанда, хушимумала, одамларга меҳрибон бўлиб ўсдингиз. Ўн етти ёшингизда отам Тиллабой ўзбек ўғли Акбаралига узатилдингиз. Отам қариндош-уруг ва қўни-қўшниларнинг таърифлари-ча ниҳоятда покиза, ҳақиқати нарвар, тўғрисуз, ёлғонни ёқтири-майдиган ҳамда мингандишига гард юқтиримайдиган кини эди. Ўша даврда анча мавқега эга бўлган Элликбоши лавозимида ишлар эди. Тақдирнинг шафқатсиз ўйинлари бу оиласи ҳам четлаб ўтмади. 1947 йилдаги пул алмашинуви ҳамда нахта фронтида суткалаб ухламай, дала шийпонида ухлаёттганда, зилзила бўлиши натижасида (Ўша йилги зилзила жуда қаттиқ бўлган экан. Бу онамнинг сўзлари касалликка чалинади. Ана энди ёшгина, навниҳол онажоним, Сиз йигирма икки ёшингизда турмушнинг иккинчи зарбасига учрадингиз. Булардан эсономон ўтиш учун пўлатдан ирова, тутанмас бардош керак бўлди.

Амаким мулла Умарали ўша вақтда Рапонинг бошлиги бўлиб, турмуш бирмунча силлиқ, ўз маромида кетган бўлса-ла, ҳали барча қийинчилклар олдинда эди. Орадан бир қанча вақтлар ўтгач, амаким икки ўғли ва хотинидан айрилади. Ҳаёт-нинг бешафқат бу ўйини амакимни асаб касалига мубтало қиласида. Ана энди юраклари тоғдек онажоним уларни оқ ювиб, оқ тарашинигиз керак. Кўз нурингизни қирқинчи фонарнинг ёруғига тўкиб, тўн қавишингиз керак. Рўзгор деб аталувчи нарса ўз домига ҳамма нарсани тортади. Амакимнинг ошиоқ яктак, оппоқ лозим билан кўчага чиқиши онажоним — Сизга раҳмат ёшигини очар эди. Буларни ёзмасам, юрагимнинг тўлқинини, түрёнини қайларга сирдираман. Қавиган тўнларингиз ишига ар-монларингиз ва аламларингизни кўшиб тиккан онажоним бизни имкон қадар ўқситмасликка ҳаракат қилиб, ўз роҳатингиз, ёшлиқ занқингиздан кечдингиз. Ўзингизни бизга ва оиласига ба-гиппладингиз. Сизни жуда соғинаман, кўргим келади. Излаб изларингизни тополмай қолдим, йўқлаб сўзларингизни топол-май қолдим. Жоним онам, қаердасиз, жавоб беринг. Бу сўзлар кўз ёшларимдан ҳосил бўлмоқда. Уларни тўхтатишни сира

иложи бўлмаянти. Армонларда, аламларда куйган онам. Армонларингиз ўзимман онам, аламларингиз ўзимман онам. Ҳаётда ҳар ким ўз онасига мана шундай куйса. Сиз бунга лойиқсиз онам. Биз ҳам Сизнинг номингизга яраша фарзандлар бўлиб ўедик. Ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олдик.

Зотан, ҳар биримизнинг онамизнинг биз илгамаган ажойиб фазилатлари бор. Биз уларни ёшлик қилими ёки бу табиат конуними сезмай қоламиз. Ўзимиз ана шу ёнига боргандагина, фарзандларимизни қаторга қўшгандагина сезар эканмиз. Кўз олдимиздан бирма-бир кино лентасидай ўтар экан. Менимча, бу қанчалар ноҳақлик, деб ўйлайман, чунки бу нарсаларни бизга Худойим ёплиқданоқ идрок қилдирганда эди, ҳаёт тамоман бошқача бўлармиди. Оналаримиз яна ҳам узокроқ яшармиди.

Эноҳ, Сиздан айру тушган кундан бошлаб ҳаётим бир-мунча сўниқ ва завқсиз ўта бошилади. Сиз менинг суюнчим, кўзимнинг нури, ҳаётимнинг меҳвари экансиз. Билмапман. Буни кейингина билдим. Нима ҳам қила олар эдим. Йиғлайман, Сизни йўқлайман, тилают куръон қиласман. Кўлимдан келгани шу холос. Сизни кўмсаганимда борлиқ оламга сигмай кетаман. Жоним онам. Йиғласам, юлатадиган, ийқилсан тургизадиган, беминнат маслаҳатларини берадиган одам сиз эдингиз. Бирор кишидан ранжисам, ёки бирор киши озор берса, ҳимоячим йўқ энди. Буларнинг ҳаммасига онажоним — Сиз далда бўлар эдингиз.

Бу борлиқ оламдаги ҳамма нарса Сиз борлигингиздай. Ой, қўёш, ер, само, юлдузлар ҳамон ўша-ўша. Ўз вақтида тонглар отмоқда, ўз вақтида кунлар ботмоқда. Ҳар баҳор майса гиёҳдан тортиб муаттар гулларгача ўз хусни тароватини на мояиш этмоқда. Райхон ва жамбилини, ўсма ва капнични қанчалар севар эдингиз. Ҳоявлиминг супадай жойига ўз қўлларингиз билан экиб кўяр эдингиз.

Онажоним онангиз Энахон ва отангиз Муҳаммад Ниёзнинг фарзандлари турмагани учун Сизни Ялангоч Тўрамнинг (Бу киши Қаландар ота авлодига мансуб) этакларига солган дейишишар эди. Исмингизни ҳам Муҳаррамой қўйишиган экан. Қандай ажойиб исм. Исми жисмига монанд деб шуни айтсалар керак-да. Эҳ, яккам, ёлғизим онам. Кунлар келганда юрагингиздаги армон ва аламларни кимгadir айтгингиз келгандир. Бунинг учун на опа-синглинигиз, на инингиз бўлган. Ҳаётда аканинг ҳам, она-синглинигиз ҳам ўз ўрни бўлади. Акангиз

ўлмаганда, ота-онангизнинг йўқлигини билдирамай ҳолингиздан хабар олармиди. Эшигингиздан кириб келса, юрагингиз тое қадар кўтарилармиди. Бундай бахтни тақдир Сизга раво кўрмади. Юқорида айтиб ўтганимдек, момангиз (кагтабуним) ва акангиз (тоғам) Ҳафизхон бу вазифани, бу бурчни сидқидилдан адо этдилар. Доимо Сизнинг ҳолингиздан воқиғ бўлдилар. Ўша вақтдаги қариндошлик ришталаридан ўргилай.

Орадан йиллар ўтиб, биз аста улғая бордик. Бўйларимизни кўриб қанчалар қувонган бўлсангиз керак. Чунки биримиз эгачингиз, биримиз инингиз эдик. Бу қувончни фақат Сиздайлар билади, Сиздай ҳис қила олади. Ўзингиз ва қизларингиzinнинг келажагига замин ҳозирладингиз. Улар ҳам мустақил оила бошлиқлари, ўзларини ўнглаб катта ҳаёт йўлидан кета оладилар. Инсоф ва диёнатли, меҳр-шафқатли, камтар инсонлар қилиб тарбияладингиз. Укам Абдуҳалимжон вояга етгач, Сизнинг ёнингизга кириб суюнчигингиз бўлиб қолди. Укамнинг бўйларини давангизнинг бўйларига ўхшатар эдингиз. Демак, энди укажоним Сизнинг жигаргўшингизга отвагиз ўрнида ота, етим жонингизнинг суюнчи, учарга қанотингиз. Ана мўйлаби ҳам сабза урибди. Қалбингизда қандайлар орзу-ҳаваслар, умидлар уйғонди.

Синглим Махбубахоннинг эса бўй-басти худди ўзингиз, у сербозалик бўлди. Унинг ўғилларини кўриб қанчалар қувонардингиз-а. Чунки уларни ўзингиз боқиб тарбияладингиз. Болам бемалол ишини ипласин деб. Онажоним бизга қилган меҳнатингиз зое кетгани йўқ.

Ҳа, дарвоҷе, амакингиз — Мирзажон Алимов Андижонда театр ташкил қилганлардан бири бўлиб, «Санои нафиса»нинг, яъни ҳозирги Охунбобоев номидаги вилоят драма ва комедия театрининг директори эди. Сизларнинг хонадонингизга Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова тез-тез ташриф буюрар, театр ва санъат ҳақида бўлган қизгин суҳбатлар сизнинг мурғак қалбингизда санъатта шайдоликни уйғотган эди. Аммо бу меҳр ва иштиёқ йилларнинг зарбаси, турмушнинг тўғони остида қолиб кетиб булоқнинг кўзлари ҳамма томондан бекилган эди. Эҳ, онажоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева ижодини чиндан севар эдингиз. Сизнинг покиза қалбингиз санъатта ва адабиётга бўлган бекиёс меҳрингиз биз фарзандларингизда жўп урмоқда. Аллоҳга беадал шуркрим, Сизнинг ҳақингизда икки қалима сўз айтишга, келажак авлодга етказишга имконият берди. Бу илоҳий рух, бу меҳр-муҳаббат менга мадад беради, ҳаётда тўғри яшапига, ҳалол ва пок инсон бўлишига ундейди.

Зотан, ҳаётда қўйилган ҳар бир тўғри қадам, яхшилик ва ззгулик ҳақида тўғри фикрлаш, уни қалблардан, қалбларга ўтказиш беиз кетгас экан. Мен бунга ўз ҳаётим давомида амин бўлдим. Инсоннинг инсонга бўлган меҳри, ҳурмати, унинг ҳақидаги ширин таассуротлар Сиз вафот этган куни янада ёрқинроқ кўринди. Тобутингиз тепасида тумонат одам йирилди. Яна стти томчи ёмрир саваласа жаннати бўлади, дейишарди. Бу ҳолат ҳам ўша пайтда шундай юз бердики, бунинг учун Аллоҳга беадад шукроналар айтаман.

Армонлар, аламлар юрагимни тилка-шора қилганда, фироним фалакни тутади. Яна ўз ўтимни ўзим ўчириб, яшашда давом этаман. Шунинг учун ҳам буни ҳаёт десалар керак.

## АРМОН

### Хотиралар, хотиралар...

Гоҳо хотиралар қатини титгинг келади. Улардан гоҳ севинасан, гоҳ маъюсланасан, гоҳ қалблари губорлардан холи болага айланаб қоласан. Нима бўлганда ҳам унинг бўлгани яхши экан. Яхши, ёмон кунингда, ёлғизлик кунжида қолганингда энг яқин ҳамдам ва сирдош хотира эмасми?..

Ой, күёш, юлдузлар ўз вақтида нурларини сочаверар экан. Тун кетидан тонглар отиб безовта дилларга ўз ҳукмини ўтика заверар экан. Умр ҳам шу зайл ўтиб, аллақанча довонларни ошиб қўйганини сезмай қолар экан.

Мана шундай кунларнинг бирида бир заҳматкаш, ўта камтарин аётнинг оламдан ўтганини билдирилар. Ҳай-ҳай, ўлим, сен бир оз нари туриб тургин. Менинг хотираларим озор топмасин. Мунча ҳам эрта келдинг-а.

Мен бу аёлни болалигимдан биламан. Болалик хотиралирга зинҳор дарз етмасин дейман. Ҳали мактаб цартасини тарк этмаган оидийгина ўқувчи-қиз шу табаррук муҳарририят остоносини қўрқа-писа, торгина-тортина босгандарим ёдимда. У ерда мени нозиккина, қадди-қомати келингён, ниҳолдай ёш бир жувон кутиб олди. У лаҳзаларни қандай унугай. У кунларни унуттилик қилмасин. Зоро, инсондан фақат яхшилигу, камтарлик, хушхулку одамийлик қолар экан. Буларни унутиб бўладими. Бундай фазилатлар қанчалаб одамларнинг, қанчалаб ижодкорларнинг қалбида нинш урдийкин. Эҳ, ҳаёт... Баъзан сендан ноглиймиз, баъзан шукроналар келтирамиз.

Орадан бир, икки йил ўтгач, мен ҳам Андижон Давлат педагогика институтининг талабаси бўлдим. Вилоят газета редакцияси институтнинг шундоқ ўзгинасида, бир бинода жойлашган бўлиб, опанинг ҳузурига кунда кириш ҳам мумкин эди. Аммо у кишининг қандайдир салобати, сири бор эди. Ўзини намойиш қилишни, фақат «Мен» дейишини ёқтирамасди. Найдар хоксор эдилар. Шеър олиб кирсам, мулоийимлик билан олиб қолар, ўрни келса чиқарар эди. Шу зайл танишганим Раҳбархон опа Файзибоева ўзининг ўнлаб китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди.

У муҳарририятдаги журналистик фаолияти билан бадиий ижодни олиб борди. Кейинчалик газета муҳарририяти Навоий номидаги шоҳ кўчага кўчирилди. Уйидан ишхонасига шу шоҳ кўча бўйлаб пиёда келар экан, унинг тик қомати гўё шу кўчага яраптандай туюларди менга. Шаҳарда ўтказиладиган ҳар бир маросимларга фаол қатнапар, ўзининг камсуқумлиги билан бошқалардан ажралиб турар эди.

Ёш улғайиб, ҳар ким ўз тириклилиги кунжида куймаланиб, бир-бировдан хабар олиш ҳам узоқлашаётган бир пайтда Раҳбархон Файзибоеванинг ўлеми уни таниган кишиларни анча хушёр тортириб қўйди. Нега дейсизми? Видоятимизда япаб ижод этган ўнлаб ижодкорларнинг тириклигига қадрига етибетмаган кунларимиз бўлди. Бир-бировининг ҳолидан хабар олиш, уларнинг ижодларини ўрганиш ҳар бир банданинг инсоний бурчидир. Туғилган юрти тупроғи, болалигига ялангоёқ кезган муқаддас (мунис) тупроғи тортди ёзувчини. «Мени Намангандига олиб бориб кўминглар, бу ерда ҳеч ким хабар олмаянти», — деб васият қилдилар. Бу армон тўла юракда яна нималар беркиниб қолдийкин. Ўзи билан бирга тупроққа кўмилдимикин. Эрта баҳорнинг нафис, дилором кунларидан бирида Наманганд тупроғига сингишиб кетди муҳтарама ёзувчимиз. Эҳ, армон, армон, сен қанчалаб дилларнинг ҳузур-ҳаловати, баҳтини ўғирлагансан. Ёлғиз ўғилнинг, ягона фарзанднинг роҳатини кўрсатмадинг-а...

## БАХТНОМА

Дунёда нимаки мавжудот бўлса,  
Барига руд берган, багишлаган жон.  
Танларга ҳам ҳусн, умр баҳш этган  
Ижодкор, меҳнаткаш, жафокаш инсон.

Аммо ўзи бир нарсага ҳамиша мұдәтож,  
Емдеңгә тұймадан чанқоқ ерсімөн.  
Мәхр-мухаббатға ташып, доым оч  
Мәхр-мухаббатға түймайды инсон.

Сандар Зуннунова

Азиз дүстлар! Ушбу сатрлар каминанинг хотира-баҳтномасыдан олинған. Тағабаликкыннан сүнгти йилда гурухимиз тала-бағдары үз хотира-баҳтномаларини юриттап әдилар. 1967 йилде ушбу «Баҳтнома»ға дугоналарим, курсошларим юрак сұзала-рини битиб қолдирғандилар. Мана шүнгә ҳам үттиз йилдан ошибди. Үша давр лавҳаларини давом эттиришіга ижозат беринг, азиз ўқувчим! Үттиз йилни ортда қолдириб, шоира Му-каррама Муродованинг дүліномасини ўқыр эканман, хаёл үша олис болалик ва ёшликтегі йилларига стаклади.

*Тигла, Мұнаввар,  
Құлоқ түт бир дам.  
Қалбин тұқмоқда  
Дүстінг Мукаррам.*

Мұнаввара! Биз 1962 йил мактаб партағарыда ўтирган пай-тларимизда танишдик. Иккимизни нима танинтириди?.. Мен у вактларда шеъриятни жуда севардым. Аммо ҳали менинг шеъ-рларим газетахон-ўқувчилар құлиға тушмаган әди. Үша күн-ларда қозирғи «Андижоннома» газетаси сахифаларыда Мұнав-вара иемли бир қызниң шеърлари чиқарды. Гарчи у пайтларда мен шеърнинг яхши, ёмонини ажратап олмасам ҳам барыбир шеърнинг сұлымлиги, қызың қалбидай нағислиги мени ром қил-ди. Демек, шоира кишилар қалбига йўл тона олди. Ана шу шоира — Сиз, Мұнаввара эдингиз!

Мен Сиз билан танишиш, суҳбатингизга мұяссар бўлиш ишқида ёндим. Дил-дилдан Сизни ҳавас қилдим. Мен ҳам шу қиздай бўлармиинман деб орзу қилдим. Сизнинг манзилингизни суриштириб топдим. Кўп марта излашдан сүнг Сизга дуч келдим. 32-мактабининг (Андижон шаҳридаги) кимё кабинетида лаборантка бўлиб ишларкансиз. II-синфда ўқирканжиз... Жуда кўп эзгу ниятлар қилдик, учрашиб турдик... Сиз мак-табни битириб институттага кирдингиз, бир йил кейин Сизни па-ноҳ тортиб мен ҳам шу ерга келдим... Лекин негадир кейинча-

лик сустлашиб кетдингиз, лоқайд қарайпсиз. Ахир Сиз шеъриятни севардингиз, у Сизнинг жонингиз, ҳаётингиз эди-ку. Нашотки киши ана шу ҳаётига бепарво, шунчалар лоқайдлик билан қараса. Табиатнинг эҳсони бўлган гул-гуллик вазифасини ўташи лозим. Табиатнинг эҳсони — шоира Мунаввара — шоиралик бурчини ўташи керак. Буни ҳеч ким тан олмай иложи бўлмаслиги керак.

Шеърият йўли жуда мураккаб экан, унда қадамига саноқсиз бигизлар, ханжарлар санчиларкин, лекин уларни юрагингиздаги шеър ишқи тигини қайтарипши, занглашини керакмасми?

Нега Сиз шундай қилмаяпсиз? Нега ишончсизлик билан қарайпсиз??? Нега?? (Айрим жумла ва таниш белгилари ўз ҳолича келтирилган). Мен бу саволга Сиздан умрим бўйи жавоб кутаман. Яна қайтараман, бу йўлда дўст бўлиб ҳамдамлашаман, душман бўлиб таъқиблайман!

Дўстим, Сизнинг шеърларингиздаги майинлик, латофат, қизларга хос сўлимлик ҳозир ижод қилаётган қайси қизда бор? Айтинг, менга бирорта ана шундай шеър топиб гапимни узиб кўйинг. Топа олмайсиз! Бу фазилат фақат Сизда бор! Уни Сиз сезмайсиз. Чунки ўзингизга, ижодингизга бефарқ қарайсиз!

Мунаввара! Мен Сизни бошқа дўстларингиз каби Бонуга, Нодирага қиссламадим, чунки мен Сизни ўз овозингиз, ўз поэзиянгизни яратишингизни, адабиётда Мунаввара бўлиб қолишингизни истайман. 1967».

Эзгу тилаклар учун раҳмат! Шоира Мукаррама Муродова гуруҳдоши — ёзувчи Мирзакарим Пирматов билан умргузаронлик қилиб, уч фарзанднинг онаси бўлди. Ҳар иккала тоза қалбдан Муҳаррамой, Музаффар, Мунаввара исмли фарзандлар дунёга келди. Кенжা қизи Мунавварага мени ҳавас қилишиб исмимни қўйишибди. Минг шукур!

## **МУНДАРИЖА**

Болалик тонги .....	3
Ҳаёт .....	5
«Улугнор» чўлларидаги ўйлар .....	6
Кўнглимдан кечганларим .....	8
Кўнгилнинг ҳеч ким эшитмайдиган нидолари .....	10
Эҳтиром .....	12
Ой тўлган кечада .....	15
Мунааввар йўл .....	17
Ёз кунлари .....	23
Хотира-мухаммас .....	29
Нидо .....	33
Ёлқин .....	35
Отам ва онам суратига чизгилар .....	37
Кўмсаш .....	38
Буни ҳаёт десалар керак .....	43
Армон .....	47
Бахтнома .....	48

Адабий-бадний нашр

**МУНАВВАРА ТИЛЛАБОЕВА**

**ОЙ ТҮЛГАН КЕЧАДА**

*Бадиалар*

Мұҳаррир	Г. МИРЗАЕВА
Бадиий мұҳаррир	Б. БОЗОРОВ
Техник мұҳаррир	Е. ДЕМЧЕНКО
Мусаҳид	Н. МИНАХМЕДОВА
Компьютерда сақиғаловчи	Р. ЕСАУЛЕНКО

**ИБ № 4133**

Босишига 17.01.2006 й. рұхсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоги 1,625. Шартли босма тобоги 2,73

Адади 1000 нұсқа. Буюртма № 10.

Бағоси келишилгандар хада

«Яңги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказыда тайёрланды.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасыда босилди.  
700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.